

СОЛИҚ ва БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 3 (1327) • 2020 йил 21 январь

ISSN 2010-524X

УШБУ СОҒДА

СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР

ДСИдан солиқларни кўшимча тўлашга доир талабнома келди

4-бет

Ягона солиқ тўлови ҳисобини ўғри юритганмисиз

5-10-бетлар

Жорий йил учун солиқ солиш тартибини танланг

11-12-бетлар

Қорамол дебиторлик қарзини қоплаш ҳисобига берилди

13-бет

Божхоначилар янги Солиқ кодексини ўқишяпти

15-бет

Юртимиз маҳсулотларига Россияда қандай «эшиқлар очилган»

16-бет

26 ЯНВАРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ХИЗМАТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

БОЖХОНАЧИ – ҚАНДАЙ КАСБ?

Хорижий давлатларга ташриф буюрмаган кишиларнинг аксарияти боғхоначилар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлмайди. Айримлар боғхоначи деганда давлат чегараларида фаолият юритувчи, махсус форма кийган шахсни тушунади. Шу боис боғхоначи касбининг айрим жиҳатлари ҳамда боғхона хизматининг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида қисқача маълумот беришни лозим топдик.

«Давлат боғхона хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг (18.10.2018 йилдаги 472-1 сон, кейинги ўринларда – Қонун) 3-моддасида боғхона органларининг 20 га яқин вазифалари белгиланган. Жумладан:

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини ҳимоя қилиш;
- ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлаш;
- боғхона назорати ва расмийлаштирувни амалга ошириш;

• боғхона тўловларини ундириш;

• боғхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишларининг, шу жумладан контрабанданинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш;

• товарларнинг ташқи савдосига доир боғхона статистикасини ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини юритиш ва бошқалар.

Юқорида келтирилган вазифаларни боғхоначи амалга ошириши учун кўплаб соҳалардан етарлича хабар-

дор бўлиши лозим. Шунга кўра боғхоначи касби – бу бир қанча йўналишларни ўзида мужассам этган махсус, универсал касб ҳисобланади. Ушбу йўналишлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

товаршунос. Қонунда боғхона органларининг асосий вазифалари қаторида ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатурасини (ТИФ ТН) юритиш белгиланган. Боғхона тўловларининг тўлиқ ундирилиши товарнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ТИФ ТН бўйича тўғри таснифлашига боғлиқ. Бундан ташқари, контрафакт товарларнинг

2-бетда

БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ УНДИРИШ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

Давлат боғхона қўмитаси ижтимоий тармоқларда тарқалган боғхона тўловларининг соддалаштирилган тартиби жорий қилиниши муносабати билан боғхона тўловларининг оширилганлиги ва боғхона постларида навбатлар юзага келгани ҳақидаги хабарларга тушунтириш беради.

2020 йил 1 январдан бошлаб но-тижорат мақсадлар учун ЎзРнинг Давлат чегарасидан ўтиш пунктлари орқали қўл юкида ва кузагиб борилаётган багажида товарлар олиб кираётган жисмоний шахслар учун, шунингдек, жисмоний шахс номига халқаро почта ва курьерлик жўнатмалари орқали келадиган товарларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган боғхона божи, кўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи ўрнига ягона боғхона тўловини тўлашни назарда тутувчи боғхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилишини назарда тутувчи тартиб ўрнатилди.

Товарнинг боғхона қийматидан

30 фоиз, лекин ҳар бир килограми учун 3 АҚШ доллари кам бўлмаган миқдорда ягона боғхона тўлови ставкаси тасдиқланди.

Ягона боғхона тўлови боғхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни жисмоний шахслар томонидан республикага олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортган тақдирда ундирилади.

Бундай товарларни республикага олиб киришнинг чекланган меъёрлари қуйидагича:

- 2 000 АҚШ доллари – боғхона чегараларини ЎзР халқаро аэропортлари орқали кириб ўтганда;
- 1 000 АҚШ доллари – боғхона чегараларини ЎзР Давлат

2-бетда

Орта қолган йилнинг якунларини чиқарар экан, Боғхона брокерлари уюشمаси қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларнинг шарҳига бағишланган семинар ўтказди. Мақсад – экспорт-импорт операциялари ва товарларни боғхонада расмийлаштиришда хатоликларга йўл қўймалик учун қайси жиҳатларга эътибор қаратиш лозимлигини мутахассисларга етказиш бўлди. Тадбирда фирмалар – боғхона брокерларининг (ББУ аъзолари) раҳбарлари, ДБК, бошқа ташкилотлар – ББУ ҳамкорларининг вакиллари, боғхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, солиқ маслаҳатчилари ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ: ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ



14-15-бетларда

БОЖХОНАЧИ – ҚАНДАЙ КАСБ?

1-бетда мамлакатга кириб келиши олдини олиш учун товарларни бренди ва хусусиятидан келиб чиқиб фарқлай олиш кўникмасига эга бўлиш лозим.

Ўз навбатида ТИФ ТНда 12 000 га яқин товар турлари таснифланади. Ушбу товарларни бир биридан фарқлаш учун божхоначи кўплаб йўналишлар бўйича кимсан маълумотга эга бўлиши лозим;

математик. Айрим товарларнинг таснифлиниши унинг сигими, ҳажми, йўғонлиги микдорига боғлиқ бўлади. Ушбу ўлчов бирликларининг ҳисобланиши математик формулалар орқали чиқарилади. Шунингдек божхона киймати, статистик киймат ҳамда божхона тўловларининг ҳисобланиши ҳам математик ҳисоб-китобларнинг тўғри амалга оширилишига боғлиқ;

кимёгар. Товарлар қандай кимёвий элементлардан таркиб топганлиги, ушбу элементларнинг товардаги улушини аниқлаш, шунингдек, атроф муҳитга зарар етказадиган ва радиоактив моддаларни фарқлай олиш учун кимё соҳасида ҳам етарлича билимга эга бўлиши лозим;

физик. ТИФ ТНда таснифланувчи айрим товарлар ўзининг физик хусусиятига кўра бир-биридан фарқланади. Шунингдек божхона киймати «Айнан бир хил товарга доир битимнинг кийматига оид усул» бўйича аниқланганда товарнинг физик хусусияти инобатга олинади;

ҳуқуқшунос. Ўзбекистондаги жиноят ишлари бўйича 5 та суриштирув органларидан бири божхона органи ҳисобланади. Бундан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими сифатида божхоначи божхона

конунчилигини билиши ва амалиётда тўғри қўллаш олиши лозим;

психолог. Божхона чегараси орқали ҳаракатланувчи фуқароларнинг ўзини тутиши, юз ва тана ҳаракати орқали божхона конун бузилиш ҳолатини аниқлаш кўникмасига эга бўлиши лозим;

иктисодчи. Ўз ваколати доирасида Ўзбекистон Республикасининг иктисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг иктисодий хавфсизлигини таъминлаш божхона органларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шу билан бирга, божхона ходими ахборот технологиялари, тизимли таҳлил, менежмент, бухгалтерия ҳисоби каби мутахассисликлар бўйича ҳам кўникмаларга эга бўлиши лозим.

Божхоначи халқаро микёсдаги товар ва транспорт ҳужжатларини ўқий

олиши ва божхона чегараси орқали ҳаракатланувчи хорижий давлат фуқароларининг тилини тушуниши учун камида 2 та хорижий тилни билиши лозим.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иктисодий барқарорлигига салбий таъсир этувчи ташқи омилларни баргараф этишда божхона хизмати мамлакатнинг асосий куч манбаи ҳисобланади.

Маълумот учун: Божхоначиларнинг шарафли ва масъулиятли касб байрами жаҳон ҳамжамятида 1983 йилдан бошлаб ҳар йили 26 январь куни «Халқаро божхона куни» сифатида нишонланади. Ўзбекистонда ҳам 2019 йилдан эътиборан ҳар йили 26 январь куни божхона ходимлари куни сифатида нишонлана бошланди.

Санъар СОАТОВ,

Божхона институти ўқитувчиси.
ЎЗА материали асосида.

БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ УНДИРИШ СОДДАЛАШТИРИЛДИ

1-бетда чегарасининг темир йўл ва дарё ўтказиш пунктлари орқали кесиб ўтганда;

• 300 АҚШ доллари – божхона чегараларини ЎзР Давлат чегарасининг автомобиль йўллари (пйёдалар) орқали кесиб ўтганда.

Мурожаат учун ишонч телефони:
(78) 120-76-00 (коммутатор), 11-08.

ДБҚ Ахборот хизмати.

Тахририятдан. Жисмоний шахслар томонидан божхона тўловлари ундирилмайдиган товарларни олиб киришнинг чекланган меъёрларидан ортганда улардан божхона тўловлари соддалаштирилган тартибда ундирилиши тўғрисида «СБХ»нинг 17.12.2019 йилдаги 51 (1323)-сонида ДБҚ Божхона маъмуриятчилигининг илгор ва инновацион усулларини жорий этиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Фарҳод Олимжоновнинг интервьюсида батафсил ўқишингиз мумкин.



ҚОНУН ЛОЙИХАСИ

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси корхона ва компанияларнинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиши тартибга солувчи қонунчилик меъёрларига ўзгартиш киритиш таклифи билан чиқди. Бу борадаги тегишли қонун лойиҳаси муҳокама учун regulation.gov.uz. порталида кенг жамоатчиликка тақдим этилди.


ЭНДИ БАРЧА ЙИРИК КОРХОНАЛАРНИНГ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИГА АЪЗОЛИГИ МАЖБУРИЙ БЎЛИШИ МУМКИН

2018 йил 9 июлда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, ҳозирда мазкур палатага аъзо бўлиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун ихтиёрий, бошқа тадбиркорлик субъектлари учун эса мажбурий ҳисобланади. Янги қонун лойиҳасида ушбу тартибга ўзгартириш киритиш ва аъзоликни фақат кичик тадбиркорлик субъектлари учунгина ихтиёрий қилиш таклиф этилмоқда. Қолган барча корхоналар Савдо-саноат палатасига аъзо бўлиши шарт.

«Ўзбекистон Республикасининг Савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги Қонунга ўзгартириш киритиш зарурати кўплаб йирик корхоналарнинг

ушбу палатага аъзо бўлишдан бош тортишлари билан боғлиқ. Масалан, бу борада 827 мурожаат келиб тушган бўлиб, уларда йирик корхоналар, ўзларини хусусий деб оқлаганлари ҳолда мажбурий аъзолик тўғрисидаги шартномани тузишдан бош тортишган. Ушбу муаммонинг илдизлири амалдаги қонунчиликда «хусусий тадбиркорлик» деган тушунчага аниқ изоҳ йўқлиги билан ифодаланади.

Таъкидлаш жоизки, Савдо-саноат палатасига аъзо бўлувчи корхоналарга ҳуқуқий ҳимоя тақдим этилади. Улар мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилигига мувофиқ, солиқка тортиш, божхона, хўжалик ҳуқуқи, қурилиш каби соҳалар бўйича бепул маслаҳатлар олади. Шунингдек, палата ўз аъзоларининг ҳуқуқи ва қонуний ман-



фаатларини давлат судлари ва органлари, тури тадбиркорлик субъектлари, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро муносабатлар жараёнида ҳам ҳимоя қилади. Бундан ташқари, у миллий ишлаб чиқарувчиларнинг товарларини хорижий бозорларга, жумладан, палатанинг хорижий ваколатхоналари ва савдо уйлари орқали олиб киришга кўмаклашади.

Юқоридаги ҳужжат лойиҳалар, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокама қилинадиган regulation.gov.uz порталида эълон қилинган бўлиб, бу ерда ҳар ким жорий йилнинг 28 январьга қадар ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштиришга доир ўз таклифларини киритиши мумкин.

Ў.А.

УШБУ СОНДА:

• БОЖХОНА

– Божхоначи – қандай касб?
– Божхона тўловларини ундириш соддалаштирилди
– Божхона қонунчилиги: янги йилнинг янгиликлари
– Товарларни импорт қилишда расмийлаштириш осонлашди

– Россия Ўзбекистон мева-сабзавот махсулотларига имтиёзли бозор яратмоқда
1-2, 14-16-бетлар

• ҚОНУН ЛОЙИХАСИ

– Энди барча йирик корхоналарнинг савдо-саноат палатасига аъзолиги мажбурий бўлиши мумкин
2-бет

• СОЛИҚ СОЛИШ

– Дивидендлардан солиқ: ушлаб қолиш ва ўтказиш жиҳатлари

– Жисмоний шахс томонидан бепул олинган улушдан ЖШДС

– Воситачилик товарларини сотишдан ЯСТ

– Бензин харидини ҳисобга олиш

– Мақом йўқотилдими – имтиёз ҳам бўлмайди

– Солиқ текширувлари учун ҳужжатлар

– Корхона муассисга кўчмас мулкни сотади
3-4-бетлар

• ЙИЛЛИК ҲИСОБОТГА ТАЙЁРЛАНАМИЗ

– Ягона солиқ тўлови: ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятлари
5-10-бетлар

• БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– 2020 йилда солиқ солиш тартиби қандай таъланади
11-12-бетлар

• АМАЛИЙ БУХГАЛТЕРИЯ

– Кўчмас мулк ижарасида қопланадиган харажатлар

– Туристлик хизматлар таннархини шакллантириш

– Бузқлар қарзни сўндириш ҳисобига
13-бет

Тахририят аноним хатларга муносабат бидирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davriy nashrlari» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ДИВИДЕНДЛАРДАН СОЛИҚ: УШЛАБ ҚОЛИШ ВА ЎТКАЗИШ ЖИҲАТЛАРИ

? Корхона 2015–2018 йиллар учун хорижий муассис – жисмоний шахсга дивиденд тўламоқчи. Муассис ЎзР резиденти ҳисобланади, сабаби бу ерда бир йилда 183 кундан ортиқ яшайди.

Дивидендлар 2019 йил охиригача тўланса, улардан қайси ставка бўйича солиқ олинади? Дивидендлар 2020 йилда тўланса-чи? Корхона дивидендлардан солиқни 2019 йилда тўлаб, дивидендларни эса 2020 йилда берса бўладими?

– Юридик шахслар дивидендларни тўлаш чоғида тўлов манбаида фойда солиғини ушлаб қолиши шарт. Солиқ ҳисоб-китоби солиқ органига дивидендлар ҳисобланган ойдан кейинги ойнинг 20-кунидан кечиктирмай тақдим этилади (Солиқ кодексининг 345-моддаси 5-қисми).

2019 ва 2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси резидентига дивидендлар тарзида тўланадиган даромадларга 5%-лик ставкада солиқ солинади.



Дивидендларни тўлаш муддатлари ва тартиби жамият устави ёки унинг иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан белгиланади. Бунда дивидендларни тўлаш муддати жамият иштирокчилари ўртасида фойдани тақсимлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан ошмаслиги керак. Солиқ суммаси дивидендларни ва фойзаларни тўлаш муддатидан кечиктирмай бюджетга тўланади (Солиқ кодексининг 345-моддаси 6-қисми).

ЖИСМОНИЙ ШАХС ТОМОНИДАН БЕПУЛ ОЛИНГАН УЛУШДАН ЖШДС

? МЧЖнинг биринчи муассиси – 2% улушга эга бўлган ЎзР резиденти, жисмоний шахсдир. Иккинчи муассиси 98% улушга эга ЎзР норезидент бўлган жисмоний шахс. Муассис-норезидент ўз улушининг 48%ини муассис-резидентга текинга беришига қарор қилди. Натижада ҳар икковининг улуши 50%дан бўлди. Муассислар қариндош эмас. Улуш текин берилишига қандай тартибда солиқ солинади?

– Жисмоний шахслардан текин олинган улуш қиймати олувчининг бошқа даромади ҳисобланади (Солиқ кодексининг 377-моддаси 3-банди). Жисмоний шахс зиммасига ЖШДС ушлаб қолиниши юкланадиган солиқ агенти ҳисобланмайди (Солиқ кодексининг 386-моддаси). Солиқ агентлари бўлмаган маъбадлардан олинган даромад-

ларга декларация асосида солиқ солинади (Солиқ кодексининг 393-моддаси 1-қисми). Текин улуш олган муассис-резидент жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади (Солиқ кодексининг 397-моддаси).

ВОСИТАЧИЛИК ТОВАРЛАРИНИ СОТИШДАН ЯСТ

? Мебель ва хўжалик товарларини сотувчи чакана савдо корхонаси юридик шахслар билан тузиладиган воситачилик шартномалари асосида товарларни олади ва сотади. 2018 йилда ЯСТ тўловчи бўлган, тўлов миқдори товар оборотидан 4%ни ташкил этган. Бироқ туман ДСИнинг кўрсатмасига кўра воситачилик шартномаси бўйича олинган товарларнинг реализация қилиниши алоҳида ҳисобга олинмиши ва савдо устамасидан 33% миқдориди солиқ солиниши керак экан.


1. Воситачилик шартномалари бўйича олинган товарларга солиқ солиш тартиби қандай?

2. ДСИнинг воситачилик товарлари савдосидан 33% миқдориди солиқ тўлаиши тўғрисидаги кўрсатмалари тўғрими?

1 Воситачилик ва топширик шартномалари бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган юридик шахслар учун товарларни реализация қилишдан олинган тушум деганда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммаси тушунилади (2020 йилгача амал қилган Солиқ кодексининг 355-моддаси 2-қисми 1-бандининг 6-хатбоши). Ушбу фаолият тури учун 2018 йилда ЯСТ 33% миқдориди белгиланган (29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорнинг 9-1-банди).

2 Воситачилик шартномасида воситачилик товарларини сотишда корхона томонидан белгиланган савдо устамаси воситачилик ҳақи ҳисобланиши кўрсатилган бўлса, ДСИ ходимлари тўғри кўрсатма беришган. Воситачилик ҳақи – савдо устамаси суммасига 33%лик ставка бўйича ЯСТ солинади.

Замира Жўраева, «Norma» МЧЖ эксперти.



БЕНЗИН ХАРИДИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ

? 2019 йилда компаниямиз биржада бензин харид қилган. Шартнома (тикет) нефтни қайта ишлайдиган завод билан тузилган. Ҳисобварақ-фактурада етказиб берувчи сифатида заводни кўрсатамиз, барча минтақалар бўйича юк экўнатувчилар ҳар хил, харидор эса корхонамиздир. Етказиб берувчи ва юк экўнатувчи ўзларининг ҚҚС бўйича рўйхатдан ўтиши кодларини кўрсатадилар.

Бензин бухгалтерия ҳисобиди қандай кириш қилинади: заводданми ёки юк экўнатувчиданми? 2019 йил учун ҚҚС ҳисоб-китобини топшириш чоғида реестрда қайси контрагент кўрсатилиши керак?

– 2019 йил учун қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисоботларни (3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тайёрлашда нефтни қайта ишлайдиган заводлар одатда ўз маҳсулотини воситачи орқали харидорга етказиб беришини ҳисобга олиш керак.

Товарларни топширик шартномаси бўйича реализация қилишда ишончли вакил сотиб олувчи номига топширик берувчи номидан ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Ҳисобварақ-фактурада топширик берувчи ва сотиб олувчининг реквизитларидан ташқари, ишончли вакилнинг реквизитлари ҳам кўрсатилиши лозим (Тартибнинг 25-банди, 3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Транспорт-экспедиторлик хизматларини кўрсатиш шартномаси бўйича ҳисобварақ-фактура ҳам шундай расмийлаштирилади (Тартибнинг 40-банди). Корхонангиз олган ҳисобварақ-фактуралар шундай тузилган деб ёзгансиз.

Етказиб бериш шартномасида завод бензин етказиб берувчи ҳисобланади. Бензинни контрагент-етказиб берувчидан (заводдан) кириш қилиш керак. Тегишинча, Харид қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича ҳисобварақ-фактуралар (ҳисобварақ-фактура ўрнини босадиган хужжатлар) реестрида (ҚҚС ҳисоб-китобига 4-илова) 2-устунда «Етказиб берувчининг номида завод кўрсатилиши лозим».

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.

МАҚОМ ЙЎҚОТИЛДИМИ – ИМТИЁЗ ҲАМ БЎЛМАЙДИ

? Корхона ташкил этилганидан бошлаб Бойсун ЭИЗ иштирокчиси ҳисобланган ва имтиёзлардан фойдаланган. 2019 йил ноябрда у юридик мақолини ўзгартирди ва ЭИЗ иштирокчилари таркибидан чиқди. Мазкур ҳолатда ЭИЗ бўйича имтиёзларнинг амал қилиши қайси даврдан бошлаб тўхтатилади?

– Божхона ва солиқ имтиёзларини қўллаш муддати ЭИЗ иштирокчисига бериладиган ЭИЗ иштирокчиси гувоҳномаси олинган кундан эътиборан бошланади. Тадбиркорлик субъекти ЭИЗ иштирокчиси мақомидан маҳрум бўлганда, у ЭИЗ иштирокчиси мақомидан маҳрум қилинган ойдан кейинги ойнинг 1-кунидан ЭИЗ иштирокчиларига берилган имтиёзлар ва преференциялардан фойдаланмайди (Низомнинг 6-банди, ВМнинг 10.04.2017 йилдаги 196-сон қарорига 3-илова).

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.



СОЛИҚ ТЕКШИРУВЛАРИ УЧУН ХУЖЖАТЛАР

? Солиқ органи қурилиш компаниясига ЖШДС ва ЯИТни қуйидаги формуладан келиб чиққан ҳолда қўшимча тўлаш тўғрисидаги талабномани юборди: қўшимча ҳисобланган МХФ = ялли тушум \times 10% – корхонанинг ҳақиқий МХФ. Ушбу суммада ЖШДС ва ЯИТ қўшимча ҳисобланади. Шунингдек талабномада 2 ва 3-сон шакллари тақдим этиш сўралмоқда.

1. Солиқ органининг қўшимча ҳисобланган МХФга қўрсатилган формула бўйича қўшимча солиқларни ҳисоблаш тўғрисидаги талаби асослими?

2. Солиқ органининг корхона бошлангич ҳужжатларини тақдим этиш тўғрисидаги талаби тўғрими?

1 Меҳнат ҳақининг миқдори иш берувчи билан ходим ўртасидаги келишувга биноан белгиланади. Меҳнат ҳақи қонун ҳужжатлари билан белгиланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлиши мумкин эмас ва унинг энг кўп миқдори бирон бир тарзда чекланмайди (МҚнинг 153-моддаси 1-қисми). Муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазибаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 1-разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин

эмас (МҚнинг 155-моддаси). Ҳозирги кунда ушбу сумма 634 880 сўмга тенг (21.05.2019 йилдаги ПФ-5723-сон Фармоннинг 1-банди, 2-банди «а» кичик банди).

Корхона муайян штат бирлигига иш ҳақини молиявий имкониятларидан келиб чиққан ҳолда белгилайди. Корхоналарнинг, шу жумладан қурилиш корхоналарининг МХФ ялли тушум суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши лозимлиги қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган. Солиқ органининг солиқларни қўшимча ҳисоблаш тўғрисидаги талаби асосланмаган.

2 Ҳа, солиқ органининг корхона бошлангич ҳужжатларини тақдим этиш тўғрисидаги талаби асосланган. Солиқ органи камерал текширув ўтказилиши давомида солиқ тўловчига талабнома юборди. Солиқ тўловчи талабнома олинган кундан эътиборан 10 кунлик муддатда

(янги таҳрирдаги СКнинг 138-моддаси 9-қисми):

- тегишли солиқлар ва йиғимлар бўйича тузилган солиқ ҳисоботини тақдим этиши;
- ёхуд аниқланган тафовутларни тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда асослаб бериши шарт.

ЭСЛАТМА: ҳозирги пайтда капитал қурилишида бошлангич ҳисоб ҳужжати Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) тўғрисидаги Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура ҳисобланади. Унинг шакли Вазирлар Маҳкамасининг 21.05.2004 йилдаги 02-5-56-сон баённома қарори билан тасдиқланган. «Бажарилган ишлар (қилинган харажатлар) тўғрисидаги Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура» бирламчи ҳисоб шакли амалга киритилганига қадар бажарилган қурилиш ишларини расмийлаштириш учун «Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси» 2-сон шакли ва унга асосан тўлдирилаётган «Бажарилган ишлар қиймати тўғрисида маълумотнома» 3-сон шакли қўлланилган. Ҳозирги кунга келиб 2 ва 3-сон шакллари бекор қилинган.

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

ЭЪЛОН

«ЖАВОБ БЕРАМИЗ» ИНФОКИОСКИГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Солиқ солиш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳуқуққа оид мавзулардаги саволларингизга электрон қўлланмалар ва газета материаллари муаллифлари жавоб берадилар.

Жавобларни port.muz.uz сайтидаги «Жавоб берамиз» эксперт хизмати электрон ахборот киоскисидан топасиз.

Саволларни қуйидагича бериш мумкин:

✓ аввал port.muz.uz сайтида рўйхатдан ўтиб, мурожаатни электрон кўринишида жўнатган ҳолда;

✓ (71) 200-00-59 бевосита алоқа телефони орқали (душанбадан жумагача соат 10.00 дан 17.00 гача).

КОРХОНА МУАССИСГА КЎЧМАС МУЛКНИ СОТАДИ

? Умумбелгиланган солиқларни тўловчи хусусий корхона корхона мулкдорига ўз биносини топишни режалаштирляпти.

1. Бино корхона мулкдорига қандай қиймат (баҳолаш ёки қолдиқ) бўйича сотилиши мумкин?

2. Корхона ва жисмоний шахсда қандай солиқ оқибатлари юзага келиши мумкин?

1 Давлатга тўла ёки умумий мулк ҳуқуқида қисман қарашли баҳолаш объектлари юзасидан битим тузилган тақдирда, баҳолашни ўтказиш мажбурийдир. Шунингдек баҳолаш объектнинг қиймати тўғрисида низо чиққан тақдирда, масалан, солиқлар тўғри тўланиши устидан назорат ўтказилаётганда ҳам баҳолашни ўтказиш мажбурий бўлади («Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

Мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот хусусий корхона деб эътироф этилади («Хусусий корхона тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддаси). Сизнинг ҳолатда бино корхонанинг мулки ҳисобланади, корхона мулкдори уни қайси нарҳда беришни ўзи ҳал этишга ҳақлидир. Мол-мулкни мажбурий баҳолашни ўтказиш талаб этилмайди.

Бироқ корхонада қонун ҳужжатлари нормаларини бузган ҳолда ҳисоб юритилса, масалан, қайта баҳолаш ўз вақтида ўтказилмаса ёки амортизация нотўғри ҳисобланса, кейинчалик солиқларни тўлаш борасида низолар юзага келиши мумкин. Ушбу ҳолатда баҳолаш ўтказиш мажбурийдир.

Фойда солиғи

2 Асосий воситаларни реализация қилиш чоғида уларнинг чиқиб кетишидан олинган даромад фойда солиғини ҳисоблашда корхонанинг ялли даромадига қўшилади (Солиқ кодексининг 297-моддаси 3-қисми 6-банди, 298-моддаси).

ҚҚС

Муассисга кўчмас мулкни реализация қилиш чоғида ҚҚС бўйича солиқ базасини аниқлашнинг ўзига хос хусусиятлари назарда тутилмаган. Солиқ базаси битим тарафлари томонидан қўлланилган нарҳдан келиб чиққан ҳолда реализация қилинадиган товарнинг (кўчмас мулкнинг) қиймати сифатида аниқланади (янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 248-моддаси 1-қисми). Бунда, агар битимнинг нархи бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солиқ органлари солиқ базасига тузатиш киритишга ҳақли (янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 248-моддаси 4-қисми).

Кўчмас мол-мулк реализация қилинган тақдирда, у қабул қилиш-топишириш далолатномаси асосида харидорга берилган сана айланма амалга оширилган сана деб ҳисобланади (янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 242-моддаси 3-қисми).

ЖШДС

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига қуйидаги таърифлар келтирилган:

табиатнинг ёки инсон фаолиятининг (шу жумладан интеллектуал фаолиятнинг) қиймат баҳосига эга бўлган ва реализация қилиш учун мўлжалланган ҳар қандай предмети товар деб эътироф этилади (Солиқ кодексининг 45-моддаси 1-қисми).

Агар корхона жисмоний шахсга товарни (асосий воситани) қайта баҳолашни ҳисобга олган ҳолда унинг қолдиқ қийматидан паст нарҳда реализация қилса, харидорда ЖШДСга тортиладиган даромад юзага келади. Ушбу даромад товарлар реализация қилинадиган нарх билан ҚҚСни ўз ичига олувчи мазкур товарларнинг қиймати ўртасидаги салбий фарққа тенг бўлади (Солиқ кодексининг 376-моддаси 1-қисми 3-банди). Ушбу даромаддан ЖШДСни сотувчи корхона тўлов манбаида ҳисоблаб чиқариши, ушлаб қолиши ва бюджетга ўтказиши керак (Солиқ кодексининг 386-моддаси 1-қисми). Солиқ ставкаси 12 фойзага тенг (Солиқ кодексининг 381-моддаси 1-қисми).

Ольга БУСАРОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

Корхонанинг мол-мулкни тиклаш учун умумий харажатларидан (25 000 минг сўм) 20 000 минг сўми сугурта қоплами ҳисобига қопланади, 5 000 минг сўми эса корхона харажатларига киритилади.

Воситачилик (топширик) шартномаси бўйича воситачи бўлиб, комитентдан (топширик берувчидан) қандайдир мол-мулкни сотиш учун олсангиз, унга ЯСТ солманг, сабаби унга бўлган мулк ҳуқуқи комитентда (топширик берувчида) сақланади. Кўрсатилган хизмат учун воситачилик ҳақи сиз учун реализация қилинган тушган суммани ҳисобланади. Комитент

(топширик берувчи) воситачилик ҳақини тўлашдан ташқари шартномани бажариш чоғида сарфлаган харажатларингизни қоплаши мумкин. Шартнома шартларига кўра ушбу харажатлар комитентнинг (топширик берувчининг) харажатлари бўлса, бундай қопламга ЯСТ солманг. Воситачи сифатидаги харажатларингиз қопланса, бундай қопламга ЯСТ солинг.

МИСОЛ. Воситачининг харажатлари қопланганда солиқ солиш

Воситачи воситачилик шартномасига кўра товарни етказиб берувчи «А» корхонаси учун харидор топиш мажбуриятини зиммасига олди. Воситачи хизматларининг қиймати – сотилган товар қийматининг 10%и.

Воситачилик шартномасига кўра реализация қилинган товар учун бутун сумма воситачининг счётига тушади. Воситачи комитент билан ҳисоб-китоб қилаётганда қуйидагиларни ушлаб қолади:

- ўз воситачилик ҳақини (10%);

- комитентнинг товарни реклама қилиш ва ташиш учун тўланган маблағларни.

Воситачининг ҳисоботиغا кўра умумий суммаси 180 000 минг сўмлик товар реализация қилинган. Воситачи ушбу суммадан хизматларни реализация қилишдан тушган тушум таркибига фақат ўзининг воситачилик ҳақи – 18 000 минг сўмни (180 000 x 10%) киритади. Товар учун унинг счётига келиб тушган қолган сумма тушум ҳисобланмайди, сабаби реализация қилинган товарнинг эгаси комитент – «А» корхонаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, воситачи товарни реклама қилиш учун 7 500 минг сўм ва транспорт компаниясининг товарни ташиш хизмати учун 3 450 минг сўм миқдорига ҳақ тўлаганини тасдиқловчи ҳужжатларни комитентга тақдим этди. Воситачи ушбу харажатларининг қоплами сифатида оладиган суммаларга ҳам унинг реализация қилишдан тушган тушуми сифатида қаралмайди, сабаби ушбу харажатлар шартномада назарда тутилган.

Қуйидаги ҳолларда ҳам ЯСТ солиш объекти юзга келмайди:

- ижарага берувчига (лизинг берувчига) молиявий ижарага (лизингга) берилган объект қиймати қопланса.

Лизинг олувчи лизинг тўловларини тўлаб, лизинг берувчи-

нинг ижара объектини харид қилиш бўйича харажатларини қоплайди, шунингдек унинг фоизли даромад олишини таъминлайди. Шу сабабли лизинг объекти қийматини қоплаш учун олинган маблағларга солиқ солманг. Фақат фоизли даромад солиқ солиш объекти ҳисобланади.

МИСОЛ. Лизинг объекти қиймати қопламга солиқ солиш

Шартномага кўра қиймати 120 000 минг сўмлик экскаватор лизингга берилмоқда. Лизинг берувчининг фоизли даромади 24 000 минг сўмини ташкил этади. Шартнома бўйича ижара тўловларининг умумий суммаси – 144 000 минг сўм. Ижара муддати – 20 ой. Тўловлар жадвалида ҳар ой 7 200 минг сўмдан (144 000 / 20) бир хилда тўлов тўлаш назарда тутилган.

Ойлик ижара тўлови лизинг объекти қийматини қоплаш суммаси – 6 000 минг сўм (120 000 / 20) ва лизинг берувчининг фоизли даромади – 1 200 минг сўмдан (24 000 / 20) ташкил топган.

Лизинг берувчининг бухгалтерия ҳисобида экскаватор қиймати узоқ муддатли дебиторлик қарзи (120 000 минг сўм) сифатида акс этирилади. Лизинг олувчи уни лизинг тўловлари жадвали асосида сўндиради. Фоизли даромад (24 000 минг сўм) экскаватор чиқиб кетган пайтда эмас, балки тўловлар жадвалига кўра қисмлаб тан олинади. Шу тариқа, 20 ой давомида 1 200 минг сўм ҳар ой лизинг берувчининг даромадига киритилади.

- ижарага берувчига ижарага олувчи истеъмол қилган коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари қиймати қопланади.

Ижара шартномаси шартларига кўра ижарага олувчи ижара тўловини тўлашдан ташқари ижарага берувчининг

коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари қийматини қопласа, ижарага берувчи учун қоплам суммаси даромад ҳисобланмайди. Шу сабабли мол-мулк оператив ижарага берилганда фақат ижара тўлови суммасига ЯСТ солинг.

МИСОЛ. Оператив ижара шартномасига кўра коммунал хизматлар қопламга солиқ солиш

ЯСТ тўловчи ижарага берувчи офисни ижарага беради. Ижара шартномасига кўра коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари қиймати ижарага олувчи томонидан ҳақиқатда истеъмолга қараб алоҳида қопланади.

Бир ой учун тақдим этилган ҳисобварақ-фактурага кўра:

- ижара тўлови миқдори – 1 200 минг сўм;

- коммунал хизматлар ва алоқа хизматлари қоплами суммаси – 460 минг сўм, шу жумладан ҚҚС – 60 минг сўм.

Ижарага берувчи учун ижарага олувчи истеъмол қилган коммунал хизматлар (460 минг сўм) харажат ҳисобланмайди, уларнинг қоплаши эса даромад ҳисобланмайди. У етказиб берувчилар – коммунал хизматлардан ижарага олувчига уларнинг қийматини қайта тақдим этади. Шу тариқа, ижара муддати давомида ҳар ой 1 200 минг сўм ижарага берувчининг даромадига киритилади.

Давоми бор.

Ирина АХМЕТОВА, «Норма» МЧЖ эксперт.



ЯГОНА СОЛИҚ ТЎЛОВИ: ҲИСОБЛАШ ВА ТЎЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Навбатдаги ҳисобот даври якунига етди. Бухгалтерлар 2019 йилги солиқ ҳисоботини тайёрлашга киришдилар. Экспертларнинг тавсиялари ўтган йили ягона солиқ тўловининг ҳисоби тўғри юритилганини яна бир бор текширишда ёрдам бериб, турли вазиятларда уни ҳисоб-китоб қилишга оид жиҳатларни эслатади.

ТЎЛОВЧИЛАР

Ягона солиқ тўловини тўловчилар ҳисобланган юридик шахслар иккита ҳолатда умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишлари мумкин: ўз хоҳишларига кўра ихтиёрий

равишда ва талабларга мувофиқ келмаганда ёки қонунда белгиланган, ЯСТни тўлаш ҳуқуқини берадиган шартларни бажармаганда мажбурий тартибда.

Ўз ихтиёрига кўра

Куйидаги ҳолларда ЯСТни тўлашни танлашингиз мумкин бўлган (Солиқ кодексининг 350-моддаси*):

- оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган ишончли шахс – яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланган бўлсангиз;

- солиқ даврида тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадларингиз 1 млрд сўмдан ошмаган нотижорат ташкилоти ҳисобланган бўлсангиз.

Танлаш ҳуқуқисиз

Куйидаги ҳолларда солиқ солишининг бошқа тизимини танлаш ҳуқуқисиз ЯСТни тўлашга мажбурсиз:

- оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган ишончли шахс – яқка тартибдаги тадбиркор ҳисобланган бўлсангиз.

Бунда солиқ даврида оддий ширкат фаолиятдан олган ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошмаган бўлиши керак;

- солиқ даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олган тушумингиз 100 млн сўмдан

*Мазкур тушунтиришларда 1.01.2020 йилгача амалда бўлган Солиқ кодексининг қоидалари келтирилган.

ошган, лекин 1 млрд сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркор ҳисоблансангиз;

- солиқ даврида товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олган тушумингиз 1 млрд сўмдан ошмаган;
- мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини амалга оширувчи;

• Электрон тижорат субъектларининг миллий реестрига (<http://www.e-tijorat.uz/ru/organizations>) киритилган якка тартибдаги тадбиркор ҳисоблансангиз;

- солиқ даврида олган ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошмаган оилавий корхона ҳисоблансангиз.



Ялпи тушум қуйидагиларни қўшиш йўли билан аниқланади (Солиқ кодексининг 355-моддаси):

- товарларни (ишларни, хизматларни) ҚҚСни ва акциз солигини чегиран ҳолда (ушбу солиқларни тўлайдиган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушумни;
- бошқа даромадларни (Солиқ кодексининг 132-моддаси).

Воситачилик хизматларини кўрсатсангиз, ялпи тушумнинг чегаравий миқдорини кўрсатилган хизматлар учун ҳақ суммасидан эмас, балки товар айланмасидан (битим суммасидан) келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқаринг (Солиқ кодексининг 350-моддаси 2-қисми).

МИСОЛ. Воситачининг ЯСТни тўлаш учун ялпи тушум миқдорини аниқлаш

Воситачи комитентнинг 1,2 млрд сўмлик товарларини реализация қилиб, бунинг учун 120 млн сўм воситачилик ҳақи олди. Унинг даромади (воситачилик ҳақи) 1 млрд сўмдан анча кам бўлса ҳам, ЯСТни тўлашга ҳақли эмас. Бунда асосийси – товар айланмаси суммаси (битим суммаси). У эса 1,2 млрд сўмни ташкил этади, бу белгиланган лимитдан 200 млн сўм ортиқ.

Тушумдан қатъи назар ЯСТни тўлашга ҳақли эмас

Қуйидаги ҳолларда ЯСТни тўлаш бўлмайди (Солиқ кодексининг 350-моддаси 3-қисми):

- акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарсангиз;
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни кавлаб олсангиз;
- акциз солиғига тортиладиган мобил алоқа хизматлари кўрсатсангиз;
- ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолият доирасида қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирсангиз ва уни қайта ишласангиз. Бошқа фаолият доирасида ялпи тушумнинг 1 млрд сўмлик чегаравий миқдорига риоя этган ҳолда ЯСТни тўлашингиз мумкин;
- маҳсулот тақсимотида оид битим иштирокчиси бўлсангиз.



Қандай қилиб ЯСТ тўловчиси бўлиш мумкин

Янги тузилаётган корхона давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида ЯСТни тўлаш тартибини танлаши керак. Шунда фаолият юрита бошлаган кундан эътиборан ЯСТ тўловчиси ҳисобланади.



Рўйхатдан ўтказиш чоғида ЯСТни тўламоқчи эканлигингизни кўрсатмасангиз, ўз-ўзидан умумбелгиланган солиқлар тўловчисига айланасиз.

ВАЗИЯТ. Корхона давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида ЯСТни тўламоқчи эканлигини кўрсатмаган

Янги чакана савдо корхонаси 2019 йил август ойида рўйхатдан ўтказилган. Директор давлат рўйхатидан ўтказиш чоғида корхона ЯСТни тўламоқчи эканлигини кўрсатмаган. Шу сабабли корхона 2019 йил III чораги учун умумбелгиланган солиқларни тўлаши шарт эди. Ялпи тушумнинг 1 млрд сўмлик чегаравий миқдорига риоя этиш шартли билан 2019 йил IV чорагидан ЯСТни тўлашга ўта оларди. Бунинг учун корхона ДСИга 10 октябрдан кечиктирмай хабарнома юбориши керак эди.

МИСОЛ. Мабаглар устас фондига ҳисса доирасида қайтарилганда солиқ солиш

2013 йилда «АВС» МЧЖ «Фокус» МЧЖ устас капиталидаги улушнинг 30%ини сотиб олган. Ҳисса миқдори 30 000 минг сўмни ташкил этган. Рўйхатдан ўтказиш пайтида устас капитали 100 000 минг сўмни ташкил этган.

2019 йилда «АВС» МЧЖ «Фокус» МЧЖ иштирокчилари таркибидан чиқиш ҳақида қарор қабул қилган. Қонун ҳужжатларига мувофиқ унинг ҳақиқий улушнинг ҳисоблаб чиқариш зарур.

Иштирокчи чиқиши пайтида «Фокус» МЧЖнинг соф активлари 150 000 минг сўмни ташкил этган. «Фокус» МЧЖ «АВС» МЧЖга соф активлар қийматининг 30%ини ёки 45 000 минг сўмни тўлаши керак. Солиқ солиш мақсадида бошлангич ҳисса (30 000 минг сўм) чиқиб кетаётган иштирокчининг даромади ҳисобланмайди. Бироқ илгари киритилган ҳиссадан ортиқ, 15 000 минг сўм миқдориди олинган суммага тўлов манбаида солиқ солинади ва «АВС» МЧЖнинг жами даромадига киритилади.

Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун бирлаштирилладиган маблаглар билан ҳам шунга ўхшаш вазият юзага келади. Ҳар бир шерикка (иштирокчига) биргаликдаги фаолият учун киритган мол-мулкни қайтариш ҳам унинг учун даромад бўлмайди.

Бироқ қайтарилётган ҳисса илгари киритилганидан ортс, ортган сумма солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Корхонангиз муассиси бўлган корхона тугатилганда бошлангич ҳисса доирасида олган мол-мулкнингизга ҳам ЯСТ солинади.

МИСОЛ. Корхона тугатилганда маблагларни муассисга қайтарилганда солиқ солиш

Устас капиталининг 30%и ЯСТ тўловчи «АВС» МЧЖга тегишли бўлган «Фокус» МЧЖ тугатилмоқда. Кредиторларнинг талаблари қонбдилганидан сўнг қолган мол-мулк қиймати 150 000 минг сўмни ташкил этади. Муассиснинг бошлангич ҳиссаси 30 000 минг сўмга тенг.

«АВС» МЧЖнинг тугатилган «Фокус» МЧЖ устас капиталидаги улуши 30%ни ташкил этиши боис «АВС» МЧЖга қиймати 45 000 минг сўмлик (150 000 x 30%) мол-мулк берилиши керак. Ушбу сумма «АВС» МЧЖнинг бошлангич ҳиссаси суммасидан 15 000 минг сўмга (45 000 – 30 000) ортиқ. Шу сабабли ЯСТни ҳисоб-китоб қилиш чоғида солиқ солинадиган базага 15 000 минг сўмни киритиш лозим.

Аванс, гаров, закатат

ЯСТ бўйича солиқ солинадиган объект юзага келишига олиб келмайдиган операцияларнинг иккинчи гуруҳига куйидагиларни олиш қиради:

- реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олдиндан ҳақ тўлаш (аванс) тариқасида;

- мулк ҳуқуқи ўтган пайтга қадар мажбуриятларни

таъминлаш сифатида гаров ёки закатат тарзида олинган мол-мулк.

Бухгалтерия ҳисобида харидорлар ва буюртмачилар олдиндан тўлаган ҳақи, шунингдек гаров ва закататни мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётларда акс эттиринг ва уларга реализация қилишдан тушган тушум (даромад) сифатида қараманг.

Субсидиялар, грантлар, инсонпарварлик ёрдами

ЯСТ солиш объекти юзага келмайдиган операцияларнинг учинчи гуруҳи – бюджетдан субсидиялар, грантлар ва инсонпарварлик ёрдами олиш. Унга Президент ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида текин олинган мол-мулк, ишлар ва хизматлар ҳам қиради.



Бюджетдан берилган субсидиялар деганда давлат томонидан муайян мақсадлар учун бериладиган пул маблаглари тушунилади. Солиқ солиш мақсадида солиқ тўловчига муайян мақсадларга йўналтириш шартли билан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича берилган имтиёзлар ҳисобига бўшайдиган маблаглар ҳам бюджетдан берилган субсидияларга қиради (Солиқ кодексининг 22-моддаси).

Грантлар ва инсонпарварлик ёрдами қатъий белгиланган мақсадлар учун келиб тушади. Шу сабабли уларни даромадлар счётларида эмас, балки мақсадли молиялаштириш счётларида (8800-«Мақсадли тушумларни ҳисобга олувчи счётлар») ҳисобга олинг.


Сугурта, воситачилик, ижара шартномалари бўйича қоплам суммалари

Сугурта шартномалари бўйича сугурта қоплами (сугурта суммаси) кўринишида олинган маблагларга ЯСТ солманг. Мол-мулкнингизни сугурталоган бўлсангиз, сугурта компа-

нияси сугурта ҳодисаси юз берганда сизга қопламни тўлаган бўлса, ушбу қопламни даромад дея тан олинг, бироқ унга ЯСТ солманг.

МИСОЛ. Сугурта қоплами олинганда солиқ солиш

ЯСТ тўловчи корхона мол-мулкни ёнгин чиқиш хавфидан бир йилга сугурталади. Сугурта компаниясига сугурта муқофоти – 200 минг сўм тўланади. Шартноманинг амал қилиш даврида сугурта ҳодисаси юз берди. Мол-мулкни тиклашга 25 000 минг сўм сарфланди. Сугурта компанияси корхонага 20 000 минг сўм миқдориди сугурта қопламни тўлади. Олинган сугурта қопламга (20 000 минг сўм) ЯСТ бўйича солиқ солинадиган объект сифатида қаралмайди (Солиқ кодексининг 355-моддаси 4-қисми 10-банди).



Асосий тўлов лизинг берувчининг қуйидаги харажатларини қоплайди:

- лизинг объектини харид қилиш харажатлари;
- лизинг объектини етказиб бериш ва уни мақсадига кўра

фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган бошқа харажатлар.

Шу сабабли ушбу тўловга реализация қилишдан тушган тушум сифатида қараман.

МИСОЛ. Лизинг берувчининг реализация қилишдан тушган тушумни аниқлаши

Лизинг компанияси қиймати 600 000 минг сўмлик усқунани саноат корхонасига лизингга берди. Лизинг шартномаси лизинг берувчининг харажатларини ҳар ойда тенг улушларда қоплаш шарти билан 5 йилга тузилган. Лизинг объекти қийматининг 10%и миқдоридаги лизинг берувчининг фоизли даромади ҳам ҳар ойда тенг улушларда тўланади. Лизинг олувчи лизинг берувчига ҳар ой қуйидагиларни тўлайди:

- қоплам суммаси – 10 000 минг сўм;
- фоизли даромад – 1 000 минг сўм.

Ҳисобот чорагида мазкур тўловлар, тегишинча, 30 000 минг сўм ва 3 000 минг сўмни ташкил этди. Унинг фоизли даромади суммаси – 3 000 минг сўм лизинг берувчининг тушуми ва ЯСТ солинадиган объект ҳисобланади.

Лотерея ўйинларининг ташкилотчисининг тушуми

Лотерея ўйинларини ташкил этсангиз, лотерея ўйини чипталарини ушбу чипталарда кўрсатилган нарх буйича тарқатилган тушумга ЯСТ солини.

Реализация қилишдан тушган тушумни қуйидаги пайтда тан олинг:

- ўйин иштирокчиси лотерея чиптаси қийматини тўлаган;
- иштирокчига лотерея чиптаси берилган.

Шу пайтдан эътиборан шартнома тузилган (ФКнинг 984-моддаси), реализация қилишдан тушум эса олинган деб ҳисобланади.

ЯСТ солиш объектини юзага келтирмайдиган операциялар

ЯСТ солиш объекти юзага келишига олиб келмайдиган операциялар рўйхати Солиқ кодексининг 355-моддасида келтирилган.

Бизнесга инвестициялар

Бундай операцияларнинг биринчи гуруҳи биргаликдаги бизнесга инвестициялар билан боғлиқ. Қуйидагилардан олинган мол-мулкка ЯСТ солманг:


- муассислардан (иштирокчилардан) устав фондига олинган ҳиссалар кўринишидаги, шу жумладан акцияларни (улушларни) жойлаштириш баҳосининг уларнинг номинал қийматидан (дастлабки миқдоридан) ортқ суммаси;

- муассислар (иштирокчилар) таркибидан чиқаётган бўлсангиз ёки тугатилган юридик шахснинг мол-мулки унинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида тақсимланаётганда устав фондига ҳиссалар доирасида;

- оддий ширкат шартномаси буйича биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш учун;


- оддий ширкат шартномаси буйича умумий мулкдаги ҳисса қайтариб берилган ёки мол-мулк бўлинган тақдирда ҳисса миқдоридан.

Муассисдан устав фондига ҳисса сифатида мол-мулк олинганда реализация қилишдан тушган тушум ёки даромад юзага келмайди. Ҳисобда олинган ҳиссани муассис



томонидан берилган мол-мулк сифатида акс эттиринг. Бинобарин, ушбу ҳисса муассис томонидан киритилганда ҳам, қайтарилганда ҳам ЯСТ солинадиган объект ҳисобланмайди. Бироқ муассисга киритганидан кўпроқ қилиб қайтарсангиз, ушбу фарқ унинг учун дивидендлар тарзидаги даромад бўлади.

УМУМБЕЛГИЛАНГАН СОЛИҚЛАРНИ ТЎЛАШГА ЎТИШ



ЯСТни тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга куйидагича ўтиш мумкин бўлган:

- мажбурий тартибда;
- ихтиёрий равишда.

Мажбурий тартибда ўтадилар

Куйидаги ҳолларда ЯСТни тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга мажбур бўлгансиз:

- йиллик ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошган бўлса (*Солиқ кодексининг 350-моддаси*);
- солиқ даврида олган ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошган бўлса (*Солиқ кодексининг 351-моддаси*);
- қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланил-

маётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлсангиз (*Солиқ кодексининг 348-моддаси*).

Ушбу шартлардан лоақал биттасига мувофиқ келсангиз, бироқ умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтмаган бўлсангиз, солиқ органлари ушбу давр учун тўлаган солиқларингизни қайта ҳисоб-китоб қилиб, пеня ҳисоблайдилар.

Йиллик ялпи тушум 1 млрд сўмлик чегаравий миқдордан ошганда

Йиллик ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошган бўлса, кейинги йилдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишингиз керак эди (*Солиқ кодексининг 350-моддаси*).

МИСОЛ. Йил якунларига кўра ялпи тушумнинг 1 млрд сўмлик чегаравий миқдоридан ошганда

ЯСТ тўловчи корхона 2018 йилда 988 млн сўмга электр жиҳозларни таъмирлаш хизматларини кўрсатган, шунингдек куйидагилардан даромадлар олган:

- мол-мулкни оператив ижарага беришдан – 12 млн сўм;
- асосий воситани реализация қилишдан – 3 млн сўм.

Солиқ даври якунларига кўра ялпи тушум 1 003 млн сўмни (988 + 12 + 3) ташкил этган. Шу сабабли корхона 2019 йилдан бошлаб ЯСТни тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга мажбур эди.

Жорий ялпи тушум 1 млрд сўмлик чегаравий миқдордан ошганда

Йил давомида олган ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошган бўлса, ушбу миқдор ошиб кетган ойдан кейинги ойнинг бошидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишингиз керак эди (*Солиқ кодексининг 351-моддаси*).

МИСОЛ. Йил давомида ялпи тушумнинг 1 млрд сўмлик чегаравий миқдоридан ошганда

ЯСТ тўловчи корхона 2019 йил январь ва февраль ойларида 988 млн сўмлик товарларни реализация қилган, шунингдек куйидагилардан даромадлар олган:

- мол-мулкни оператив ижарага беришдан – 12 млн сўм;
- асосий воситани реализация қилишдан – 3 млн сўм.

2 ойда ялпи тушум 1 003 млн сўмни (988 + 12 + 3) ташкил этган. Шу сабабли корхона 2019 йил март ойдан бошлаб ЯСТни тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга мажбур эди.

Тугалланмаган қурилиш ва фойдаланилмаётган объектлар мавжуд бўлганда

Сизда қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари мавжуд бўлса, ваколатли органнинг инвестиция лойиҳаси амалга оширил-

маганлиги тўғрисидаги хулосаси чиқарилганидан кейинги ойдан эътиборан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишингиз керак эди (*Солиқ кодексининг 348-моддаси*).



Ушбу қоида белгиланган мuddатда тугалланмаган қурилиш объектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар, умумий майдоннинг 50%идан кўпрогини ташкил этадиган (бир бино ёки нотурар жой хонаси контури доирасида), тадбиркорлик фаолиятида фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг барчасига нисбатан татбиқ этилади. Маъсумий тусдаги фаолият амалга оширилаётган объектлар бундан мустасно (13.08.2019 йилдаги 666-сон ВМҚнинг 5-банди).

Фойдаланилмаётган объектларни бунинг учун махсус тузилган 1-ишчи гуруҳ аниқлайди, у:

- фойдаланилмаётган объектларни жойига борган ҳолда хатловдан ўтказида ҳамда уларнинг рўйхатини шакллантиришни ташкил этади;
- ушбу объектларга нисбатан таъсирчан солиқ механизмини қўллаш бўйича солиқ органларига хулоса тақдим этади.

Фойдаланилмаётган объектларни ҳўжалик фаолиятига жалб этиш билан 2-ишчи гуруҳ шугулланади, у:

• фойдаланилмаётган объектларни ишга тушириш муаммоларини ўрганади;

- фойдаланилмаётган объектларни ишга туширишга доир лойиҳаларни ишлаб чиқишда ва инвесторларни жалб қилишда мулкдорларга қўмақлашади;
- фойдаланилмаётган объект ҳақиқатда ҳўжалик фаолиятига жалб қилинганлигини жойига борган ҳолда ўрганиш орқали таъсирчан солиқ механизмини тўхтатиш юзасидан солиқ органларига хулоса тақдим этади.

Ихтиёрий равишда ўтиш

Ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошмаса, ЯСТни тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ихтиёрий равишда ўтишингиз мумкин эди. Буни навбатдаги чорак бошидан эътиборан амалга ошириш мумкин бўлган (*Солиқ кодексининг 351-моддаси*).

Ўтишдан аввалги даврда ЯСТ бўйича мажбуриятларингиз сақланади.

МИСОЛ. Умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиш чоғида ЯСТ бўйича мажбуриятларнинг сақланиши 5 июлда корхона ДСИга умумбелгиланган солиқларни тўлаш тартибига ўтиши ҳақида хабарнома юборди. Йилнинг дастлабки иккита чорағида унинг ЯСТ тўлаш бўйича мажбуриятлари сақланади. Корхона III чоракдан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлайди.



ЯСТни тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган солиқ тўловчилар солиқ солиш тартибини ўзгартирган I чорак учун фойда солиғи бўйича жорий тўловларни тўлашдан озод қилинган (*Солиқ кодексининг 354-моддаси*).

Ўтиш қандай расмийлаштирилади

ЯСТни тўлашдан умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиш учун қуйдагиларни тўлдириб, www.my.soliq.uz сайтидаги солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ДСИга юборишингиз керак эди:

- хабарнома;

• ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш тўғрисида ариза.

Буни умумбелгиланган солиқларни тўлай бошлайдиган ойнинг 10-санасидан кечиктирмай амалга оширишингиз лозим бўлган.

МИСОЛ. ЯСТ тўлашни ихтиёрий равишда рад этиш тўғрисида хабарнома бериш муддатлари ЯСТ тўлашни ихтиёрий равишда рад этиш ва умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтиш чоғида хабарномани қуйдаги муддатлардан кечиктирмай тақдим этиш керак бўлган:

- 10 январдан – ЯСТ тўлашни 1 январдан эътиборан рад этганда;
- 10 апрелдан – ЯСТ тўлашни 1 апрелдан эътиборан рад этганда;
- 10 июлдан – ЯСТ тўлашни 1 июлдан эътиборан рад этганда;
- 10 октябрдан – ЯСТ тўлашни 1 октябрдан эътиборан рад этганда.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЯСТни ТўЛАШГА ҚАЙТИШ МУМКИН

Умумий қоидага кўра, солиқ даврида ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошмаса, камида 12 ойдан сўнг ЯСТни тўлашга қайта ўтиш мумкин бўлган (*Солиқ кодексининг 354-моддаси*).

ВАЗИЯТ. Умумбелгиланган солиқларни тўловчининг ЯСТни тўлашга қайтиши ЯСТ тўловчиси жорий йилнинг 1 октябрдан ихтиёрий равишда умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган. Жорий йилдаги, шунингдек кейинги йилнинг январь–сентябрь ойларидаги ялпи тушуми 1 млрд сўмдан ошмаса, кейинги йилнинг 1 октябрдан яна ЯСТни тўлашга ҳақли бўлган.

Бироқ ушбу қоидадан истисно мавжуд эди. Ялпи тушумингиз 1 млрд сўмлик чегаравий миқдори ошиб кетгани учун умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган бўлсангиз, фақат навбатдаги солиқ давридан (йилдан) бошлаб яна ЯСТни

тўлашга ўтишингиз мумкин эди. Бунда жорий йилдаги ялпи тушумингиз 1 млрд сўмдан ошмаслиги керак бўлган (*Солиқ кодексининг 354-моддаси*).

МИСОЛ. Қурилиш ташкилотининг реализация қилишдан тушган тушумни аниқлаш

Бош пудратчи (қурилиш ташкилоти) пардозлаш ишлари учун ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этди. 130 000 минг сўмлик ишларнинг умумий ҳажмидан у 80 000 минг сўмлик ишларни ўз кучи билан бажарди. 50 000 минг сўмлик ишларнинг қолган қисмини ёрдамчи пудратчилар бажардилар.

Бош пудратчи учун ишларни реализация қилишдан тушган тушум 80 000 минг сўм, ёрдамчи пудрат ташкилотлари учун эса 50 000 минг сўм ҳисобланади.

Қурилиш ташкилотларида солиқ солинадиган реализация қилишдан тушган тушум шартнома томонларидан қай бири (бюртмачи ёки пудратчи) ишларни бажариш учун зарур материалларни харид қилишига боғлиқ. Бунда икки хил вариант бўлиши мумкин:

1) пудратчи қурилишни ўз материаллари билан таъминлайди. Бу ҳолда уларнинг қийматини ишлар қийма-

тига, тегишинча, реализация қилишдан тушган тушумга киритинг;

2) бюртмачи қурилишни материаллар билан тўлиқ ёки қисман таъминлаб, уларга бўлган мулк ҳуқуқини пудратчига бермайди. Бу ҳолда бюртмачининг материаллари қийматини реализация қилишдан тушган тушумингизга киритманг. Уни фақат ишларнинг қиймати асосида шакллантиринг.



Бюртмачи қурилиш ишларини материаллар билан таъминласа, ҳисобварақ-фактураларни расмийлаштирмасдан қабул қилиш-топшириш далолатномалари ёки юкхатлар асосида уларни пудратчига топшириши керак.

Бажарилган ишларни маълумотнома-ҳисобварақ-фактура билан расмийлаштиринг. У қурилиш бошланишидан ва йил бошидан, шу жумладан ҳисобот давридаги объект қурилиши учун барча харажатларни акс эттиради. Унда

бюртмачининг материаллари қийматини алоҳида сатрда қайд этинг. Тўланадиган жами суммаси ушбу материалларни чегирган ҳолда кўрсатинг.



Маълумотнома-ҳисобварақ-фактура қурилишда бирламчи ҳужжат ҳисобланади. Унда ҳисобварақ-фактура учун мажбурий бўлган барча реқвизитлар бўлса (Солиқ кодексининг 222-моддаси), қўшимча равишда ҳисобварақ-фактура расмийлаштирманг.

МИСОЛ. Бюртмачининг материалларидан фойдаланганда ЯСТ солинадиган реализация қилишдан тушган тушумни аниқлаш

Қурилиш-монтаж корхонаси қурилиш пудрати шартномасига кўра ишларни бажаради. Ҳисобот чорагида бажарилган ишларнинг умумий ҳажми 800 000 минг сўмни ташкил этади. Шартнома шартларига кўра бюртмачи айрим материаллар билан таъминлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Қабул қилиш-топшириш далолатномалари асосида топширилган материаллар қиймати 100 000 минг сўмни ташкил этади. ЯСТни фақат ишларнинг қиймати асосида ҳисоблаб чиқариш зарур:

$(800\ 000 - 100\ 000) \times 4\% = 28\ 000$ минг сўм.

Мол-мулк молиявий ижарага берилганда тушган тушум

Молиявий ижара мол-мулкни (молиявий ижара объектини) эгаллик қилиш ва фойдаланишга 12 ойдан ортиқ муддатга шартнома бўйича топширишда вужудга келадиган ижара муносабатларидир (*Солиқ кодексининг 21-моддаси*). Бунда қатор мажбурий талаблар мавжуд, молиявий ижара шартномаси улардан камиди биттасига жавоб бериши керак:

- молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, молиявий ижара объекти ижарага олувчининг мулкига ўтади;
- молиявий ижара шартномасининг муддати молиявий ижара объекти хизмат муддатининг 80%идан ортиқ бўлади ёки унинг молиявий ижара шартномаси тугагандан кейинги қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 20%идан кам бўлади;
- молиявий ижара шартномасининг муддати тугагач, ижарага олувчи молиявий ижара объектини шу ҳуқуқни амалга ошириш санасидаги бозор қийматидан паст нарх бўйича сотиб олиш ҳуқуқига эга бўлади;
- молиявий ижара шартномасининг амал қилиши даврида ижара тўловларининг жорий дисконтланган қиймати унинг

молиявий ижарага топшириш пайтидаги жорий қийматининг 90%идан ошиб кетади.

Лизинг – молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда лизинг берувчи лизинг олувчининг топширигига биноан сотувчидан лизинг объектини мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига беради. Лизинг учун мажбурий шартлар – мол-мулк лизинг олувчига ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланиш учун 12 ойдан ортиқ муддатга берилади (*«Лизинг тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддаси*).

Сиз лизинг берувчи бўлсангиз, реализация қилишдан тушган тушумни фоизли даромад суммаси сифатида белгиланг. Лизинг компаниялари лизинг объекти қийматини қоплаш суммаси ва лизинг берувчининг фоизли даромадидан таркиб топган лизинг тўловларини оладилар.

Ижарага берувчининг (лизинг берувчининг) фоизли даромади – ижара (лизинг) тўловининг бир қисми. Уни ижара (лизинг) тўлови суммаси ва ижара (лизинг) объекти қийматини қоплаш суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланг (*Солиқ кодексининг 22-моддаси*).

балки комитентнинг қарзи кўринишида акс эттирилади. Шу сабабли у реклама харажатларининг қоплами сифатида оладиган суммаларга унинг реализация қилишдан олган тушуми сифатида қаралмайди.

Шартнома шартларига кўра транспорт харажатлари воситачининг зиммасига яктатилган бўлса ҳам, комитент воситачининг ташиш қиймати – 1 000 минг сўмни қоплади. Шу сабабли уларни қоплаш қиймати воситачи учун реализация қилишдан олинган тушум ҳисобланади ва ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базага киритилади.

Воситачида реализация қилишдан тушган умумий тушум 4 600 минг сўмни (3 600 + 1 000) ташкил этади.

Узоқ муддатли контракт бўйича тушум

Узоқ муддатли контрактлар, одатда, ишлар ёки хизматлар бир неча йил давомида бажарилиши керак бўлган ҳолларда тузилади.

Узоқ муддатли контрактларни бажаришда реализация қилишдан тушган тушумни ҳисобот даври (чорак) мобайнида уларни ҳақиқатда босқичма-босқич ижро этишга оид қисмида ҳисобга олинг (Солиқ кодексининг 130, 355-моддалари).

Контрактда ишларнинг алоҳида йиллик босқичлари назарда тутилмаган бўлса, жорий солиқ даври учун тушум суммасини сметада ёки харажатлар калькуляциясида назар

да тутилган харажатларнинг умумий суммасидаги ҳақиқий харажатларнинг салмоғига қараб аниқланг.

Ҳисобот даври охиридаги реализация қилишдан тушган тушумни контракт бўйича қилинган харажатларнинг ҳисобланган солиштирма салмоғи ва умумий контракт қийматининг (контракт баҳосининг) ҳосиласи сифатида аниқланг. Жорий ҳисобот даврида реализация қилишдан олинган даромадни аниқлашда мазкур контракт бўйича илгари ҳисобга олинган тушумни чегириб ташланг.

Ҳисобот давридаги реализация қилишдан тушган тушум	=	Контракт амал қила бошлаганидан буён қилинган харажатлар	/	Контрактни бажариш учун умумий харажатлар	x	Контракт бўйича умумий даромад (баҳо)	-	Контракт бўйича илгари ҳисобга олинган даромадлар
--	---	--	---	---	---	---------------------------------------	---	---

МИСОЛ. Узоқ муддатли контракт бўйича реализация қилишдан тушган тушумни аниқлаш

ЯСТ тўловчи реклама компанияси йирик корпорациянинг кенг миқёсли реклама кампаниясини ўтказиш, имижини ўзгартириш ва ребрендингни амалга ошириш учун контракт имзолади. 3 йиллик контракт бўйича ишларнинг умумий қиймати 900 000 минг сўмни, смета бўйича харажатлар 600 000 минг сўмни ташкил этади. Биринчи йил охирига келиб жами 300 000 минг сўмлик харажатлар қилинди, яъни барча харажатларнинг 50%. Иккинчи йилда реклама хизматларини кўрсатиш харажатлари 150 000 минг сўмни ташкил этди.

Ҳар бир йил якунларига кўра тан олинган даромад суммаларини ҳисоблаш зарур.

1. Биринчи йилда 300 000 минг сўмлик харажатлар, яъни барча харажатларнинг 50%и сарфлангани сабабли солиқ солиш мақсадида реализация қилишдан тушган тушум контракт умумий суммасининг 50%и, яъни 450 000 минг сўм миқдоридан ҳам тан олинishi керак.

2. Иккинчи йилда ҳисоб-китоб ортиб борувчи якун билан амалга оширилади. Аввало контракт бўйича харажатларнинг умумий суммасидаги хизматлар кўрсатила бошлаганидан буён (2 йилда) қилинган харажатлар улушини ҳисоблаймиз. Иккинчи йил давомида харажатлар суммаси 150 000 минг сўмни ташкил этган бўлса, контракт бўйича ишлар бошланганидан буён қилинган харажатларнинг умумий суммаси 450 000 минг сўмга (реклама хизматларини кўрсатиш учун сметада назарда тутилган барча харажатларнинг 75%и) тенг бўлади.

Иккинчи йил якунларига кўра тан олинishi керак бўлган реализация қилишдан тушган тушум қуйидагича ҳисобланади:

1) контракт бўйича ишлар бошланганидан буён тан олинishi керак бўлган реализация қилишдан тушган тушум суммаси аниқланади:

900 000 минг сўм x 75% = 675 000 минг сўм;

2) иккинчи йилда тан олинishi керак бўлган реализация қилишдан тушган тушум суммаси ҳисобланади:

675 000 – 450 000 (биринчи йилда тан олинган реализация қилишдан тушган тушум) = 225 000 минг сўм.

3. Ҳисоб бўйича охириги учинчи йилда реализация қилишдан тушган тушум умуман контракт бўйича қиймат айирув илгари тан олинган тушум сифатида аниқланади:

900 000 – 450 000 – 225 000 = 225 000 минг сўм.

Қурувчиларнинг тушуми

Қурилиш ташкилотлари солиқ солинадиган реализация қилишдан тушган тушумни фақат ўз кучи билан бажарилган ишлар қийматидан келиб чиқиб аниқлайдилар. Қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари тушумни худди шундай тартибда аниқлайдилар.

Тилга олинган корхоналар кўпинча бош пудратчи ролида чиқадилар, яъни бошқа тузилмаларни ишларни бажаришга жалб этиб, ишларнинг бир қисмини уларга топширадилар.

Улар ёрдамчи пудрат ташкилотлари (ёрдамчи пудратчи = «иккинчи ўриндаги» пудратчи) деб номланади.

Сиз бош пудратчи бўлсангиз, ўз кучингиз билан бажарган ишлар қиймати сиз учун ЯСТ солинадиган объект ҳисобланади. Сиз уларнинг қийматига буюртмачига ҳисобварақ-фактура тақдим этадиган ишларнинг умумий ҳажмидан ёрдамчи пудратчилар бажарган ишларни чиқариб ташланг. Бажарилган ишларни тасдиқлаш учун ёрдамчи пудратчилардан ҳисобварақ-фактураларни талаб қилинг.

ВАЗИЯТ. Тушумнинг чекланган миқдори ошиб кетгани учун умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтган корхонанинг ЯСТни тўлашга қайтиши

ЯСТ тўловчи корхонанинг 2019 йил январь-февраль ойларидаги ялли тушуми 1 млрд сўмдан ошган. Корхона ўша йилнинг март ойидан бошлаб умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтишга мажбур бўлган. У 2020 йилда ҳам умумбелгиланган солиқларни тўлайди, сабаби 2019 йил якунларига кўра унинг тушуми 1 млрд сўмдан ошади. 2020 йилда ялли тушум 1 млрд сўмдан кам бўлса, корхона 2021 йилдан бошлаб яна ЯСТни (айланмадан олинадиган солиқни) тўлай олади.

ЯСТни тўлашга қайтишни расмийлаштириш учун ДСИга хабарнома юборинг. Буни ЯСТни тўлашга ўтаётган чоракдаги биринчи ойнинг 10-санасидан кечиктирмай амалга оширишингиз лозим эди (*Солиқ кодексининг 351-моддаси*).

ЯСТ тўловчилар яна қандай солиқларни тўлайдилар

Айрим ҳолларда ЯСТдан ташқари тўловчилар куйидаги солиқлар ва мажбурий тўловларни тўлайдилар (*Солиқ кодексининг 349-моддаси*):

- куйидагиларни тўлаш пайтида ушлаб қолинадиган фойда солиғи (*Солиқ кодексининг 165-моддаси*): дивидендлар ва фоизларни; Ўзбекистон норезидентларига даромадларни; норезидентлар томонидан бажариладиган (курсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича ҚҚС (*Солиқ кодексининг 207-моддаси*);
- қурилиши молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбаларини жалб этган ҳолда амалга оширилаётган объектлар бўйича ҚҚС;

- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ – солиқ солиш объекти мавжуд бўлганда;
- ер солиғи – солиқ солиш объекти мавжуд бўлганда;
- мол-мулк солиғи – солиқ солиш объекти мавжуд бўлганда;
- боғхона тўловлари – ташқи иқтисодий фаолият бўйича;
- алкогольли маҳсулотлар, қимматбаҳо металллар ва қимматбаҳо тошлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим – солиқ солиш объекти мавжуд бўлганда;
- автотранспорт йиғими – автотранспорт воситаларини олганда ва (ёки) вақтинчалик олиб кирганда.

ЯСТни ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ЧОФИДА РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШДАН ТУШГАН ТУШУМ ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

ЯСТ солиш объекти

Ялли тушум ЯСТ солиш объектидир. Унинг таркибига куйидагилар киритилади (*Солиқ кодексининг 355-моддаси*):

- товарларни (ишларни, хизматларни) ҚҚС ва акция солиғини чегирган ҳолда (ушбу солиқларни тўлайдиган солиқ тўловчилар учун) реализация қилишдан тушган тушум;
- бошқа даромадлар (*Солиқ кодексининг 132-моддаси*).

Реализация қилишдан олинган тушум – реализация қилинган товарлар (ишлар, хизматлар) учун олинган (олиниши лозим бўлган) маблағлар суммаси, шу жумладан улар учун ҳақ тўлаш ёки қарзни узиш ҳисобига тушадиган мол-мулк қиймати (*Солиқ кодексининг 22-моддаси*).

МИСОЛ. Савдо корхонасига солиқ солиш

ЯСТ тўловчи корхона 40 000 минг сўмга товарлар туркумини сотиб олиб, ҳаммасини реализация қилди. Бутун туркумнинг сотиш қиймати 60 000 минг сўмни ташкил этди. Айни ушбу сумма ЯСТ солинадиган товар обороти ҳисобланади.


Товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан ёки олиш баҳосидан паст баҳоларда реализация қилаётган ёхуд уларни текин бераётган бўлсангиз, товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) таннархи ёки уларни олиш баҳоси

Бошқа даромадларни олиш товарларни, ишларни ва хизматларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ эмас. Улар корхонанинг хўжалик фаолияти жараёнида юзага келади ва, айтиш мумкинки, «қўшимча» ёки «иккинчи даражали» ҳисобланади.

Савдо ва умумий оқватланиш корхоналари учун товар обороти, яъни муайян ҳисобот (солиқ) даври ичида товарларни сотишдан олинган, пулда ифодаланган маблағлар (*Солиқ кодексининг 22-моддаси*) солиқ солиш объекти ҳисобланади.

ЯСТ солиш объекти бўлади (*Солиқ кодексининг 355-моддаси*). Бунда товарларни олиш баҳосида олиш билан боғлиқ харажатларни ҳам ҳисобга олинг.

РЕКЛАМА



Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги

www.norma.uz

1-МИСОЛ. Товар олиш баҳосидан паст баҳода реализация қилинганда солиқ солиш

Корхона 40 000 минг сўмга товарлар туркумини сотиб олди. Товарларни олишда ёрдам берган воситачининг воситачилик ҳақи 4 000 минг сўмни ташкил этди. Шу тариқа, товарларни олиш баҳоси 44 000 минг сўмни (40 000 + 4 000) ташкил этди. Ушбу товарга талаб камайиши муносабати билан у 38 000 минг сўмга реализация қилинди. Шунга қарамай, ЯСТ солинадиган товар обороти 44 000 минг сўмга тенг бўлади.

2-МИСОЛ. Маҳсулот таннархидан паст баҳода реализация қилинганда солиқ солиш

ЯСТ тўловчи корхона маҳсулотни 12 000 минг сўмга реализация қилмоқда. Ушбу маҳсулот туркуминини ишлаб чиқариш таннархи 13 000 минг сўмни ташкил этади.

Корхона бюджет билан ҳисоб-китоб қилиш чоғида маҳсулот таннархини (13 000 минг сўм) ҳисобга олиши ва унга ЯСТ солиши керак.

Қуйидагилар ушбу қоидадан мустасно:

- баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинмиши назарда тутилган товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилиш. Бу ҳолда олинган тушумни ушбу баҳолардан (тарифлардан) келиб чиқиб аниқланг;
- махсус ваколатли органнинг қарори асосида ўзи ишлаб чиқарган товарларни таннархидан паст нархлар бўйича экс-

порт қилиш. Бу ҳолда олинган тушумни экспорт нархлардан келиб чиқиб аниқланг;

- ижтимоий мақсадларга – турли хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, таълим, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига ҳамда бошқаларга товарларни (ишларни, хизматларни) бепул бериш.

МИСОЛ. Умумтаълим мактабига товар бепул берилганда солиқ солиш

ЯСТ тўловчи савдо корхонаси умумтаълим мактабига товар – таннархи 2 000 минг сўмлик спорт инвентарини бепул берди. Товар таълим муассасасига берилгани сабабли солиқ солиш объекти, бинобарин, ЯСТ ҳисоблаш бўйича мажбурият ҳам юзга келмайди.

Реализация қилишдан тушган тушум суммасини ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш санасини ҳужжатлар асосида аниқланг. Улар ҳисобварақ-фактуралар, ишлар бажарилганлиги ёки хизматлар кўрсатилганлиги тўғриси-

даги далолатномалар, товарлар жўнатилганлигини (топширилганлигини), ишлар бажарилганлигини, хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи қвитанциялар, чеклар ва бошқа ҳужжатлардир.

1-МИСОЛ. Юклар жўнатиш ва ҳақ тўлаш турли солиқ даврларига тўғри келганда реализация қилишдан тушган тушумни тан олиш

2018 йил 25 декабрда харидор қиймати 12 000 минг сўмлик товарлар учун олдиндан ҳақ (15%) тўлаган. 3 кундан кейин етказиб берувчи бутун шартнома суммасига товарларни харидорга юклар жўнатган. Юклар жўнатиш пайтида бутун етказиб бериш қиймати – 12 000 минг сўмга ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган. 2019 йил 7 январда товар учун тўлиқ ҳақ тўланган.

Товар 28 декабрда харидорга юклар жўнатилган. Харидор ҳисобварақ-фактурани имзолаган, ўша пайтда ҳақини тўлиқ тўламаган бўлса ҳам, товар мулкдорига айланган.

Тушум суммаси ҳисобварақ-фактурада белгиланган – 12 000 минг сўм. Ҳисоблаб ёзиш принципида амал қилган ҳолда, юклар жўнатиш пайтида (2018 йил 28 декабрь) бухгалтер 12 000 минг сўм миқдоридеги реализация қилишдан тушган тушумни тан олиши ва уни ЯСТ бўйича солиқ солинадиган база ҳисоб-китобига киритиши керак.

2-МИСОЛ. Ижара тўлови аванс тариқасида олинганда ижарага берувчининг реализация қилишдан тушган тушумни тан олиш

Корхона жойини 3 ой муддатга қисқа муддатли (оператив) ижарага берди. Бир ой учун ижара қиймати 1 000 минг сўмни ташкил этади. Ижарага берувчи – ҚҚСсиз ЯСТ тўловчи корхона. Ижарага олувчи шартноманинг бутун амал қилиш муддатида 3 000 минг сўм ижара тўловини тўлади.

Ижара бўйича ҳисобварақ-фактура ойнинг охири кунинда бир марта ёзилади (Солиқ кодексининг 222-моддаси). Бинобарин, тушум ҳар ой ёзилган ҳисобварақ-фактурага мувофиқ 1 000 минг сўмлик суммада ойнинг охири кунинда тан олинади. Қолган сумма – 2 000 минг сўм ижарага олувчидан аванс сифатида акс эттирилади.

ЯСТ билан бир қаторда ихтиёрий равишда ҚҚС тўлаган бўлсангиз, реализация қилишдан олган тушумингизга харидорлардан ундирилдиган ҚҚС суммаси киради. Бу ҳолда сиз учун соф тушум, яъни ҚҚС чегирилган тушум ЯСТ солиш объекти бўлади.

Сиз реализация қиладиган товарлар, ишлар ва хизматлар имтиёзга эга бўлса, яъни уларга ҚҚС солинмаса, реализация қилишдан тушган тушум соф тушумга тенг бўлади.

Реализация қилишдан тушган соф тушум

=

Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум

-

ҚҚС

МИСОЛ. ҚҚС тўловчи савдо корхонасига солиқ солиш

ЯСТ тўловчи, ихтиёрий равишда ҚҚС тўловчи корхона 40 000 минг сўмга товарлар туркумини харид қилиб, уларнинг ҳаммасини реализация қилди. Бутун туркумнинг сотиш қиймати 15% ҚҚСни ҳисобга олганда 57 500 минг сўмни ташкил этди. ЯСТ солинадиган товар обороти 50 000 минг сўмга (57 500 / 1,15) тенга бўлади.

Тушумни аниқлашнинг алоҳида тартиби

Айрим фаолият турлари бўйича реализация қилишдан тушган тушум ўзига хос равишда аниқланади. Қуйидагилар реализация қилишдан тушган тушумни алоҳида тартибда аниқлайдилар:

- воситачилар;

- узоқ муддатли контрактларни бажарувчилар;
- курилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари;
- лизингга берувчилар;
- потеряе ўйинларининг ташкилотчилари.

Воситачиларнинг тушуми

Воситачилик хизматларини кўрсатсангиз, реализация қилишдан тушган тушумни кўрсатилган хизматлар учун олинадиган ҳақ суммаси сифатида аниқлан.



Воситачилик фаолиятининг ўзига хос хусусияти шундаки, воситачи (вакил) ўз манфаатларини кўзлаб эмас, балки буюртмачи (комитент, топшириқ берувчи) манфаатларини кўзлаган ҳолда учинчи шахслар билан шартномалар пузади ва бошқа муносабатларга киришади.

МИСОЛ. Воситачининг реализация қилишдан тушган тушумни аниқлаши

Воситачи корхона (воситачи) воситачилик шартномасига кўра ишлаб чиқариш корхонасининг (комитент) маҳсулотини у белгилаган нархда реализация қилади. Комитент товарларни сотганлик учун воситачига реализация қилинган товар суммасининг 10%и миқдориде ҳақ тўлайди. Ҳисобот даврида 20 000 минг сўмлик товарлар реализация қилинган. Тегишинча, воситачи корхонанинг воситачилик ҳақи суммаси – ЯСТ солинадиган реализация қилишдан тушган тушум 2 000 минг сўмни ташкил этади.

Воситачилик фаолиятида, воситачилик ҳақидан ташқари, воситачининг шартномани бажариш юзасидан сарфлаган харажатлари ҳам қопланиши мумкин. Ушбу харажатлар шартнома шартларига кўра комитентнинг (топшириқ берувчининг) харажатлари бўлса, бундай қопламни ЯСТ бўйича солиқ солинадиган базага киритманг.

Шартнома шартларига кўра улар сизнинг (воситачининг) харажатларингиз бўлса, бундай қопламни, комитент уни муайян сабабга кўра амалга оширса, солиқ солинадиган базага киритинг.



Шартнома шартларини бажариш учун буюртмачидан олинган мол-мулкни реализация қилишдан тушган тушум таркибиде ҳисобга олманг.

МИСОЛ. Воситачининг комитентдан олинган қопламни ҳисобга олган ҳолда реализация қилишдан тушган тушумни аниқлаши

Воситачилик шартномасига кўра ЯСТ тўловчи воситачи умумий суммаси 200 000 минг сўмлик донаси 2 000 минг сўмдан бўлган комитентга тегишли 100 та телевизорни реализация қилиш учун харидор топши мажбуриятини олди. Воситачининг хизматлари учун ҳақ реализация қилинган товар суммасининг 3%ини ташкил этади.

Шартнома шартларига кўра:

- ҳисоб-китоблар воситачи иштирокида амалга оширилади. Яъни реализация қилинган телевизорлар учун пул маблағлари унинг ҳисоб-китоб счётига келиб тушади;
- воситачи комитентга тўланиши лозим бўлган суммадан ўз ҳақини (3%), шуниндек у реклама учун тўлаган маблағларни ушлаб қолади;
- телевизорлар воситачи ҳисобидан ташилади.

Реализация қилиш тўғрисидаги ҳисоботга кўра воситачи умумий суммаси 120 000 минг сўмлик 60 та телевизорни реализация қилган.

Бундан ташқари, у 3 000 минг сўм миқдориде телевизорларни реклама қилиш учун ҳақни ва 1 000 минг сўм миқдориде транспорт компаниясининг товарни ташкил хизмати ҳақини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни комитентга тақдим этган.

Воситачи воситачилик ҳақи кўринишида олган реализация қилишдан тушган тушум 3 600 минг сўмни (120 000 х 3%) ташкил этади.

Шартнома шартларига кўра реклама харажатлари комитентнинг топширигига биноан воситачи томонидан тўланади ва қопланиши лозим. Воситачининг бухгалтерия ҳисобиде реклама харажатлари харажатлар счётларида эмас,

- таннархи 100 млн сўм бўлган тайёр маҳсулотлар, 2019 йилда харид қилинган ва таннархга киритилган товарлар ва хизматлар 80 млн сўмини ташкил этади, шу жумладан – 20% ставка бўйича ҚҚС билан – 29,4 млн сўм; 15% ставка бўйича – 50,6 млн сўм;
- ҚҚС билан харид қилинган, қолдиқ қиймати 200 млн сўм бўлган ишлаб чиқарish ускуналари. Улардан 2019 йилда 20% ҚҚС билан харид қилинган ускуналарнинг қолдиқ қиймати 50 млн сўмини ташкил этади;
- қиймати 300 млн сўм бўлган қурилиши тугалланмаган объект, шу жумладан – шу қийматга киритилган ва 2019 йилда 20% ҚҚС билан харид қилинган суммаси 150 млн сўм бўлган товарлар ва хизматлар.

2020 йил 1 январь ҳолатига корхона ТМЗ ва узоқ мuddатли активлар бўйича ҚҚСнинг куйидаги суммаларини ҳисобга олишга ҳақли:

- харид қилинган материаллар ва товарлар бўйича – 10,5 млн сўм (23,4 / 120 x 20 + 46 / 115 x 15 + 10,6 / 106 x 6);
- тайёр маҳсулотлар таннархга киритилган товарлар ва хизматлар бўйича – 11,5 млн сўм (29,4 / 120 x 20 + 50,6 / 115 x 15);
- ускуна бўйича – 8,3 млн сўм (50 / 120 x 20);
- қурилиши тугалланмаган объект қийматига киритилган товарлар ва хизматлар бўйича – 25 млн сўм (150 / 120 x 20).

Бухгалтерия ҳисобида 2020 йил 1 январь ҳолатига ТМЗ ва узоқ мuddатли активлар қолдиқлари ва тўғри келадиган ҚҚС суммаларини ҳисобга олиш куйидаги тарзда акс эттирилади:

Ҳужалик операциясининг мазмуни	Сумма, млн сўм	Счётлар корреспонденцияси	
		дебет	кредит
ТМЗ қолдиқларига тўғри келадиган ва илгари уларнинг таннархга киритилган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди (10,5 + 11,5)	22	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	1000-«Материалларни ҳисобга олувчи счётлар» 2800-«Тайёр маҳсулотларни ҳисобга олувчи счётлар» 2900-«Товарларни ҳисобга олувчи счётлар»
2019 йилда харид қилинган асосий воситалар (ускуналар) бўйича илгари уларнинг бошланғич қийматига киритилган ҚҚС суммаси ҳисобга олинди.	8,3	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	0100-«Асосий воситаларни ҳисобга олувчи счётлар»
2019 йилда харид қилинган, илгари қурилиши тугалланмаган объект қийматига киритилган товарлар ва хизматлар бўйича ҚҚС суммаси ҳисобга олинди	25	4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнақ тўловлари (турлари бўйича)»	0810-«Тугалланмаган қурилиш»

ТМЗ қолдиқлари ва узоқ мuddатли активлар бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олиш чоғида, куйидаги шартларга риоя қилинганлигига ишонч ҳосил қилинг (яни тахрирдаги Солиқ кодексининг 266-моддаси 1-қисми):

- ТМЗ ва узоқ мuddатли активлардан ҚҚС солинадиган, шу жумладан – ноль ставка бўйича солиқ солинадиган товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ фаолиятда фойдаланилиши керак;
- ҚҚС суммаси ажратилган ҳисобварақ-фактура ёки ётаказиб берувчи томонидан тақдим этилган ва сотиб олинганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат мавжуд;
- ётаказиб берувчи ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтказилган;
- импорт қилинган товар бўйича ҚҚС бюджетга тўланган;
- чет эллик шахслар томонидан кўрсатилган харид қилиш билан боғлиқ хизматлар бўйича ҚҚС бюджетга тўланган.

Шунингдек, куйидаги ҳолларда харид қилиш (олиб кириш) чоғида тўланган ҚҚС ҳисобга олинмаслигини ёдда тутинг (яни тахрирдаги Солиқ кодексининг 267-моддаси):

- ТМЗ солиқ солинмайдиган фаолиятда фойдаланиладиган асосий воситаларни, кўчмас мулк объектларини қуриш, модернизациялаш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва таъмирлаш учун сотиб олинганда;

- сотиб олинган ТМЗ вакиллик харажатлари учун ишлатилса;
- ТМЗ, хизматлар ва узоқ мuddатли активлар бепул олинганда. Бундан қонун ҳужжатларига мувофиқ сиз улар бўйича ҚҚС тўлашининг шарт бўлган ҳоллар мустасно. Масалан, хорижий юридик шахслардан импорт бўйича товарлар ва хизматлар бепул олинганда – реализация қилиш жойи Ўзбекистон ҳудуди бўлса;

• шахсий эҳтиёжларингиз учун фойдаланишга мўлжалланган бўлиб, фойда солигини сотиб олишда харажатлар чегириб ташланмайдиган ТМЗ сотиб олинганда (Солиқ кодексининг 317-моддаси).

Шунингдек, куйидаги ТМЗ ва узоқ мuddатли активлар бўйича ҚҚС ҳисобга олинмайди, агар уларни сотиб олиш ёки олиб кириш амалга оширилётган фаолият турига боғлиқ бўлмаса:

- энгил автомобиллар, мотоцикллар, вертолётлар, моторли қайиқлар, самолётлар, шунингдек моторли воситаларнинг бошқа турлари ва улар учун ёқилги;
- алкоголь ва тамаки маҳсулотлари.

ТМЗ ва узоқ мuddатли активлар, уларни харид қилиш ва олиб кириш амалга ошириладиган фаолият тури билан боғлиқ бўлмаган шароитда, ҳисобга олинмайди.

Ирина АХМЕТОВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

РЕКЛАМА




«КОРХОНА ЮРИСТИ»

Электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИ.ПИДА тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимгардон кўчаси 1/1. Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



2020 ЙИЛДА СОЛИҚ СОЛИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ ТАНЛАНАДИ



Янги тахрирдаги Солиқ кодексининг қабул қилиниши муносабати билан солиқ солишнинг икки тартибидан бирини – айланмадан солиқ ҳамда фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғини тўлашни танлаш қоидалари ва муддатлари ўзгарди. Ушбу масалалар юзасидан молия вазири Дилшод Султонов тавсиялар беради.

Умумий қоидалар

2020 йил 1 январдан амалга киритилган Солиқ кодексига мувофиқ ягона солиқ тўлови ўрнига айланмадан олиннадиган солиқ жорий этилган, у қўшилган қиймат солиғи ва фойда солиғи ўрнига тўланади (30.12.2019 йилдаги ЎРҚ-599-сон Қонуннинг 4-моддаси).

Айланмадан олиннадиган солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқи қуйидагиларга тақдим этилади:

1) солиқ даврида жами даромади 1 млрд сўмдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари;

2) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олинган даромади 100 млн сўмдан ошган, лекин 1 млрд сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар.



Солиқ тўловчига айланмадан солиқ тўлаш билан бир қаторда қуйидаги мажбуриятлар ҳам юкланади:

- Солиқ кодекси билан унинг зиммасига юкланган ҚҚС ва фойда солиғи бўйича солиқ агентни (Солиқ кодексининг 255, 345, 351-моддалари);
- Солиқ кодексига бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, ҳисобварақ-фактураларни ёзиб бериш, харидлар ҳисоби китобини ва сотувлар ҳисоби китобини юритиш бўйича.

Айланмадан олиннадиган солиқ қуйидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди, улар ҚҚС ва фойда солиғини тўлашлари шарт:

- солиқ даври давомида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган жами даромади 1 млрд сўмдан ошган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;
- товарларни импорт қилувчиларга;
- акциз солиғи тўланадиган товарларни (хизматларни) ишлаб чиқарувчи ва (ёки) фойдалани қазилмаларни кавлаб олишни амалга оширувчи юридик шахсларга;
- қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига, башарти уларда 50 гектар ва ундан ортқ сугориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони мавжуд бўлса;

• бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахсларга;

• лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахсларга;

• оддий ширкат шартномаси доирасидаги фаолият бўйича ишончли шахсларга;

• қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорларига, ваколатли органнинг инвестиция лойиҳаси амалга оширилмаганлиги тўғрисидаги хулосаси киритилганда;

• марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни (жорий ва капитал таъмирлаш бундан мустасно) қуришни бажарувчи корхоналарга.

Айланмадан солиқ тўлаш ҳуқуқи ёки мажбурияти мавжуд бўлса, нима қилиш керак?

Корхона 2019 йилда қуйидаги солиқларни тўловчи бўлган тақдирда, айланмадан солиқ тўлашга ҳақлидир:

• ЯСТ тўловчи, Солиқ кодексига қўшилган қиймат ва фойда солиқларини тўлашга ўтишни талаб этилмайди. 2020 йил 1 январдан айланмадан солиқ тўлашга ўтиш ҳақида ҳеч қандай ариза топширилмайди;

• ҚҚС ва фойда солиғи тўловчиси, бироқ унда 2020 йилда айланмадан солиқ тўлашни танлаш ҳуқуқи юзага келган.

Солиқ кодексига мувофиқ (Солиқ кодексининг 462-моддаси) айланмадан олиннадиган солиқ тўлашга ўтиш учун

юридик шахслар солиқ органига улар айланмадан солиқ тўлашга ўтадиган навбатдаги солиқ даври бошланишидан 10 кун олдин хабарнома юборадилар. Янги тахрирдаги Солиқ кодекси 2019 йил 30 декабрда қабул қилинганлиги сабабли 20 декабрга қадар хабарнома тақдим этиш имкони бўлмаган. Шу боис истисно тариқасида айланмадан солиқ тўлашга ўтиш ҳақида хабарнома бориш муддати 2020 йил 1 январдан 2020 йил 1 февралгача узайтирилган.

2019 йилда ихтиёрый равишда ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтган солиқ тўловчилар ҳам айланмадан олиннадиган

солиқ тўлашга ўтишга ҳақлидир. Ўтиш шартлари куйидагилардан иборат:

- 2019 йилда ва 2020 йил 1 январдан ўтиш санасига ҳақ бўлган даврда айланма 1 млрд сўмдан ошмаслиги лозим;
- ўтиш ҚҚС тўлашга ўтилгандан кейин 12 ой ўтганидан кейин амалга оширилиши керак (Солиқ кодексининг 462-моддаси 8-қисми).

Янги ташкил этилган юридик шахслар уларни давлат

рўйхатидан ўтказишда солиқ солиш тартибини танлашга ҳақлидир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) солиқ даврида товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромади 100 млн сўмдан ошган бўлса, айланмадан солиқ тўлашга ўтадилар. Бунда ўтиш учун хабарнома тақдим этилмайди, ЯТТ ҚҚС ва фойда солиғини тўлашни танлагани ҳақида хабарнома тақдим этиши ҳолати бундан мустасно.

Қачондан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишингиз шарт

2019 йилда ягона солиқ тўлаган, лекин 2020 йил 1 январдан айланмадан солиқ тўлашдан маҳрум бўлган солиқ тўловчилар ҚҚС ва фойда солиғини тўловчилар ҳисобланади. Улар **2020 йил 1 февралга қадар** бўлган муддатда ушбу солиқларни тўлашга ўтганлиги ҳақида солиқ органларини хабардор қилиши шарт (ҚҚС тўловчининг махсус рўйхатдан ўтиш кодини олиши керак).

Хабарнома 2020 йил 1 февралга қадар тақдим этилмаса, солиқ органлари мустақил равишда солиқ тўловчини ҚҚС ва фойда солиғини тўловчи сифатида ҳисобга қўяди.

Қуйидаги ҳолатларда солиқ тўловчилар айланмадан солиқни қўллашда давом этишга ҳақли бўлмайдилар ҳамда ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишлари шарт:

- 1) солиқ даври давомида жами даромади 1 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар, бундай ошиш рўй берган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб;
- 2) бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган ин-

шоотлар ва қурилиши тугалланмаган объектлар, шунингдек фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдори бўлган юридик шахслар, уларни самарасиз фойдаланмаётганлиги буйича хулоса киритилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан бошлаб;

3) қурилиши тугалланмаган объектлар ва фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонларининг мулкдорлари бўлган юридик шахслар, инвестицион лойиҳанинг амалга оширилмаганлиги тўғрисида хулоса беришга ваколати бўлган ваколатли органнинг хулосаси чиқарилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан;

4) молиялаштиришнинг марказлаштирилган манбалари ҳисобидан объектлар қурилишини (бундан жорий ва капитал таъмирлаш мустасно) бажарувчи юридик шахслар бундай қурилишга доир шартнома расмийлаштирилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан эътиборан.

2019 йилда корхона ЯСТ ва ихтиёрий асосда ҚҚС тўлаган бўлса, нима қилиши керак

Солиқ кодексининг янги таҳририда бир вақтнинг ўзида айланмадан солиқ ва ҚҚС тўлаш назарда тутилмаган.

Шу боис айланмадан солиқ тўловчилар куйидагиларга ҳақлидир:

- ҚҚС тўлаш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ҳолда айланмадан солиқ тўловчи бўлиб қолишга;
 - ёки
 - ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ихтиёрий ўтишга.
- Айланмадан солиқ тўловчи 1 январдан ушбу солиқни тў-

лашдан воз кечишга ҳамда ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга қарор қилса, у бу ҳақда 2020 йил 1 февралга қадар солиқ органини хабардор қилиши лозим.

Ушбу хабардор қилиш муддати истисно тариқасида белгиланган, чунки Солиқ кодексига мувофиқ юридик шахслар ариза топширилган ойдан кейинги ойнинг биринчи санасидан ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишга ҳақли (Солиқ кодексининг 462-моддаси 7-қисми).

МИСОЛ. «Наврўз» МЧЖ 2019 йил 1 январдан бошлаб ЯСТ билан бирга ихтиёрий асосда ҚҚСни ҳам тўлаган.

2019 йил якунпарига кўра унинг жами даромади 648 млн сўмни ташкил этган, яъни белгиланган 1 млрд сўмлик чегарадан ошмаган. Бинобарин, мазкур корхона 2020 йил 1 январдан айланмадан солиқ ўрнига ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ҳақли.

Бироқ корхона 2020 йилда қўшилган қиймат солиғи тўловчиси мақомини сақлаб қолишга қарор қилди. Бунинг учун «Наврўз» МЧЖ 2020 йил 1 февралга қадар солиқ органларига бир вақтнинг ўзида айланмадан солиқ тўлашни рад этиб, ҚҚС тўловчи сифатида рўйхатдан ўтишга ариза топшириши лозим. У ҚҚС билан бирга фойда солиғини ҳам тўлайди.



Солиқ тўловчи 2020 йил 1 февралгача айланмадан солиқ тўлашни рад этиш тўғрисидаги хабарномани тақдим этмаса, у 2020 йил 1 январдан ҚҚС тўловчи бўлмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор ҳам ҚҚС ва фойда солиғини тўлашга ўтишга ҳақлидир. Бунинг учун у товарларни (хизматларни) реализация қилишдан олган даромад чекланган қийматдан – 100 млн сўмдан ошган кундан эътиборан

5 кундан кечиктирмай хабарнома тақдим этади. Белгиланган муддатларда хабарнома тақдим этилмаганда, якка тартибдаги тадбиркор айланмадан солиқ тўлайди.

РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

2

СОЛИҚ ВА
БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

www.nrgm.uz

№ 3 (1327) - 2020 йил 21 январь

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ҚҚСдан ҚҚСга ЎТИШ МУМКИН

2020 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС ҳисоб-китобининг соддалаштирилган тартиби (СҚҚС) Бекор қилинди (МВ ва ДСҚнинг 30.12.2019 йилдаги 06/04-01-32/3953 ва 12-37999-сонли ахборот хатининг III бўлими 1.1-банди).

СҚҚС 2019 йилда солиқ даври давомида ялпи тушуми 3 млрд сўмдан ошмайдиган солиқ тўловчилар, шу жумладан ЯСТ тўловчилари учун вақтинча жорий этилган. Тартиб солиқни фаолият турига боғлиқ ҳолда табақалаштирилган ставкалар бўйича, ҳисобга олиш механизмини қўлламаган ҳолда ҳисоблашни назарда тутган (2007 йилги тахрирдаги Солиқ кодексининг 40-1-боби).

ҚҚС тўловчи сифатида махсус рўйхатдан ўтказиш ҳисобига кўйиш (шу жумладан – СҚҚСдан ҚҚСга ўтиш), шунингдек ҚҚС тўлашни рад этиш тартибини ДСҚ белгилаши лозим (янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 237-моддаси 4-қисми). Бироқ, бундай тартиб ҳали тасдиқланмаган.

Кейинчалик ҳам ҚҚСни тўлашни кўзлаган СҚҚС тўловчилар

автоматик тарзда унинг тўловчиси бўлади. Бу ҳақда солиқ органларини хабардор қилиш шарт эмас.

Агар сиз 2019 йилда ЯСТ тўловчиси бўлган ҳолда СҚҚСни ихтиёрий равишда тўлаган бўлсангиз, 2020 йил 1 январдан бошлаб фойда солиғи ва ҚҚСни тўлашга ўтасиз, 2019 йил учун 1 млрд сўм миқдоридagi жами даромадларнинг энг юқори қийматида ривож қилинган тақдирда сиз айланмадан солиқ тўлашда қолишга ҳақлисиз, бироқ ҚҚС тўламаган ҳолда. 2020 йил 1 январдан бошлаб ҚҚС тўлашни рад этиш учун 2020 йил 1 февралга қадар бу ҳақда солиқ органларини хабардор қилинг.

Агар 2019 йилда сиз умумбелгиланган солиқларни, жумладан СҚҚСни тўлаган бўлсангиз, 2020 йил 1 январдан сиз автоматик тарзда ҚҚС тўловчи бўласиз.

Қандай қилиб ТМҚ қолдиқлари бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш мумкин

2020 йил 1 январдан бошлаб СҚҚСдан ҚҚС тўлашга ўтаётганда қуйидагилар бўйича ҚҚС суммасини ҳисобга олинг:

- 2019 йилда, яъни охириги 12 ойда ҚҚС билан харид қилинган ТМЗ қолдиқлари;

- 2019 йилда ҚҚС билан харид қилинган узоқ муддатли активлар.

Эслатиб ўтамыз, қуйидагилар ТМЗга киради (АВ томонида 17.07.2006 йилда 1595-сон билан рўйхатдан ўтказилган 4-сон БХМСнинг 5-банди):

- хом ашё ва материаллар;
- харид қилинадиган ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи буюмлар;

- ёқилғи;
- идиш ва идишбоп материаллар;
- эҳтиёт қисмлар;
- инвентарь ва ҳўжалик анжомлари;
- бошқа материаллар;
- тайёр маҳсулот;
- товарлар;
- деталлар, узеллар, буюмларнинг тугалланмаган ишлов берилиши ва йиғилиши ҳамда тугалланмаган технологик жараёнлар кўринишида тугалланмаган ишлаб чиқариш;
- боқувдаги ва яйловдаги ёш ҳайвонлар ва катта ёшдаги

ҳайвонлар; паррандалар; асалари оилалари; сотиш учун асосий подадан яроқсиз қилинган (боқувга кўйилмасдан) катта ёшдаги қорамоллар, сотиш учун четдан қабул қилинган қорамоллар.

Узоқ муддатли активлар деганда қуйидагилар тушунилади:

- асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара шартномаси асосида олинган асосий воситалар;
- номоддий активлар;
- ўрнатилмаган асбоб-ускуналар;
- капитал кўйилмалар, шу жумладан – қурилиши тугалланмаган объектлар.

Тайёр маҳсулотлар қолдиқлари бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш чоғида 2019 йилда ҚҚС билан харид қилинган ва ушбу маҳсулот таннархига киритилган товарлар ва хизматларни инobatга олинг.

Қурилиши тугалланмаган объект бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш чоғида 2019 йилда ҚҚС билан харид қилинган ва мазкур объектнинг баланс қийматида киритилган товарлар ва хизматларни инobatга олинг.

Узоқ муддатли активлар бўйича ҚҚСни ҳисобга олиш чоғида қайта баҳолашни инobatга олмаган ҳолда уларнинг баланс (қолдиқ) қийматини инobatга олинг.



ТМҚ ва хизматлар қийматида тўғри келадиган ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаларини етказиб берувчилар уларни харид қилишга доир ҳужжатларда кўрсатган ставкаларга асосланиб ҳисоблаб чиқаринг.

МИСОЛ. ТМЗ ва узоқ муддатли активлар қолдиқлари бўйича ҳисобга олинмаган ҚҚС суммаларини аниқлаш
2019 йилда СҚҚС тўлаган корхона 2020 йилдан бошлаб ҚҚС тўловчи бўлади. 2020 йил 1 январь хoлатига унинг балансида қуйидагилар ҳисобга олинган:

- 100 млн сўмга ҚҚС билан харид қилинган материаллар ва товарлар. Улардан охириги 12 ой, яъни 2019 йил 1 январдан 31 декабргача 80 млн сўмга, шу жумладан 20% ставка бўйича ҚҚС билан – 23,4 млн сўмга; 15% ставка бўйича – 46 млн сўмга; 6% ставка бўйича – 10,6 млн сўмга материаллар ва товарлар харид қилинган;

РЕКЛАМА



«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамыз

Тошкент ш., Миробод тумани, Талъимаржон кўчаси, 1/1. Тел.: (71) 200-00-90. E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz

КЎЧМАС МУЛК ИЖАРАСИДА ҚОПЛАНДИГАН ХАРАЖАТЛАР

? Умумбелгиланган солиқларни тўлайдиган корхона бинони ижарага беради. Ижарага олувчига тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада ижара ҳақини, шунингдек қопланиши лозим бўлган коммунал хизматлар, мол-мулк солиғи, ер солиғи, қоровулнинг иш ҳақи суммаларини сатрма-сатр кўрсатамиз.

Биоларни ижарага беришда қопланадиган суммалар ажратиб кўрсатилган ҳисобварақ-фактурани тақдим этиши тўғриси?

– Йўқ, биоларни ижарага беришда тақдим этиладиган ҳисобварақ-фактурада қопланиши лозим бўлган мол-мулк солиғи, ер солиғи ва қоровулнинг иш ҳақи суммалари ажратиб кўрсатилиши нотўғри.

Ижара шартномасига мувофиқ коммунал хизматлар, электр энергияси, алоқа хизматларининг қиймати ижара ҳақи суммасига киритилиши ҳам мумкин ҳамда бу суммага киритилмаган ҳолда ижарага олувчи томонидан истеъмоладиган хизматлар миқдорига қопланиши ҳам мумкин. Бунда умумбелгиланган солиқларни тўловчи ижарага берувчи томонидан алоҳида сатрларда куйидагилар акс этирилади (Тартибнинг 48-банди, 3-илова, АВ томонидан 21.01.2019 йилда 3126-сон билан рўйхатдан ўтказилган):

• ҚҚС суммаси ажратиб кўрсатилган ҳолда ижара ҳақи суммаси;

• ижарага олувчи томонидан истеъмоладиган коммунал хизматлар, электр энергияси, алоқа хизматлари учун ушбу хизматлар қийматига тўғри келувчи ҚҚС суммаси ажратилган ҳолда қопланиши лозим бўлган сумма.

Мол-мулк ва ер солиқларини тўлаш, қоровулга иш ҳақини бериш ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар қопланадиган харажатлар жумласига киритилмайди, булар ижарага берувчининг харажатларидир. Ижарага берувчи 1 кв.м майдонни ижарага бериш хизматларини кўрсатиш калькуляциясида харажатларни акс эттирган ҳолда, уларни ижара ҳақи таннархида ҳисобга олиши лозим.

ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАР ТАННАРХИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

? Туристтик фирма комплекс туристик хизматларни тақдим этади. Транспорт харажатлари ва экскурсия хизматлари учун тўлов ушбу хизматларни кўрсатадиган чет ташиқлотга тўланади. Туристтик фирма ушбу хизматларни кўрсатувчиларга тўланган суммадан кўпроқ суммага ҳисобварақ-фактурани буюртмачига тақдим этади.

Туристтик фирма томонидан олинган алоҳида туристик хизматлар ва улар кейинчалик реализация қилиниши қандай бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади?

– Туристтик фирма комплекс туристик хизматлар кўрсатишда уларни етказиб берувчилардан алоҳида-алоҳида сотиб олади. Бунда етказиб берувчига ҳақи тўланган алоҳида хизматлар қиймати туристик фирманинг комплекс хизматларининг умумий таннархига киритилади.

Туристтик фирма томонидан алоҳида хизматлар четдан харид қилиниши ва кейинчалик реализация қилиниши куйидаги бухгалтерия проводкалари билан расмийлаштирилади:



Ҳўжалик операциясининг мазмуни	Сўётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Туристтик хизматлар комплексига қирадиган хизматларнинг алоҳида турлари олинди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6010-«Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга тўланадиган сўётлар»
Туристтик хизматлар комплекси кўрсатилиши билан боғлиқ асосий ишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилди	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»	6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблаштишлар» 6520-«Максадли давлат жамғармаларига тўловлар» (ЯСТ) 1000-«Материалларни ҳисобга олувчи сўётлар» 0200-«Асосий воситаларнинг эскиришини ҳисобга олувчи сўётлар» ва туристик хизматларни шакллантириш билан боғлиқ бошқа харажатлар
Туристтик хизматлар комплекси хариддорларга реализация қилинди	4010-«Хариддорлар ва буюртмачилардан олинандиган сўётлар»	9030-«Ишлаб бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар»
Туристтик хизматлар комплекси таннархи ҳисобдан чиқарилди	9130-«Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларнинг таннархи»	2010-«Асосий ишлаб чиқариш»

Азизахон ТОШХЎЖАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.



БУЗОҚЛАР ҚАРЗНИ СЎНДИРИШ ҲИСОБИГА

? Компаниямиз уруғлар ва ўсимликларни ҳимоялаш воситаларининг улгуриси савдоси билан шуғулланади. 2018 йилда миқозимиз – фермер хўжалиги экиш учун уруғлар сотиб олган ва катта дебиторлик қарзи юзага келган. У қарзнинг бир қисмини сўндирган, бироқ кейин қолганини тўлашдан бош тортган. Биз судга бердик. Суднинг дебиторлик қарзини ундириш тўғрисидаги қарорига биноан Маъжбурий ижро бюроси қарз суммаси ҳисобига бузоқларни оляпти.

Бузоқлар олинганидан кейин дебиторлик қарзи сўндирилган ҳисобланадими?

Уларни балансимизга олиш керакми? Уларни сотасак бўладими? Қорамол реализация қилинишига ҚҚС ва фойда солиғи солинадими?

– Ижро ҳужжатида кўрсатилган ашёлар ундирувчига топширилган тақдирда, давлат ижрочиси бу ашёларни қарздордан олиб кўяди ва топшириш далолатномасини тузиб, уларни ундирувчига топширади («Суд ҳужжатлари ва бошқа органлари ҳужжатларини ижро этиши тўғрисидаги Қонуннинг 57-моддаси»). Яъни ижро варақасида нима ва қандай нархда олингани кўрсатилиши лозим. Ушбу қиймат бўйича ундирувчи бузоқларни балансда ҳисобга киритади. Ижро варақаси бўйича бутун қарз суммаси сўндирилган бўлса, тегишинча, қарз сўндирилади.

Фермер хўжалигининг қарзини куйидаги бухгалтерия проводкалари билан ёпиш мумкин:

Дт 2910-«Омбордаги товарлар» сўёти

Кт 4010-«Хариддорлар ва буюртмачилардан олинандиган сўётлар» сўёти.

Олинган бузоқлар мулкнингизга айланади. Уларни товарларни ҳисобга олувчи сўётларга кирим қилиб, сотишингиз мумкин.

Илгари гўшт, шунингдек тирик ҳайвонлар ҳамда уларни сўйиш маҳсулотларини (ВМнинг 31.12.2018 йилдаги 1065-сон қарори билан тасдиқланган Рўйхатнинг 1-банди) реализация қилишда ҚҚС бўйича имтиёз мавжуд эди. Бироқ ВМнинг «Донни қайта ишлаш корхоналари ва қоллипи нон ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (30.09.2019 йилдаги 829-сон) мувофиқ мазкур низом ўз кучини йўқотган.

Биобарин, умумбелгиланган солиқларни тўловчи савдо корхонаси бузоқларни (ёки гўштни) сотишда ҚҚСни ҳисоблаши ва ҳисобварақ-фактурада кўрсатиши лозим.

Бузоқларни реализация қилишдан молиявий натижа умумий асосларда фойда солиғи ҳисоб-китобига киритилади.

Ольга БУСАРОВА,
«Norma» МЧЖ эксперти.



БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ: ЯНГИ ЙИЛНИНГ ЯНГИЛИКЛАРИ

1-бетда

Божхона соҳаси ва ташқи иқтисодий фаолиятга тааллуқли ўзгариш ва янгиланишлар хусусида ББУ раисининг ўринбосари Энвер Халилов ўз чиқишида гапириб берди.

БЮДни тўлдиришдаги ўзгаришлар

Божхона юк декларациясини тўлдириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (АВ томонидан 29.11.2019 йилда 2773-4-сон билан рўйхатдан ўтказилган) тузатишлар киритилди. Тузатишлар 2020 йилнинг 1 январидан кучга кирган.

Ўзгаришлар бир қатор графаларга тааллуқлидир.

2-«Экспортчи/юкни жўнатувчи» графасида жўнатувчи тўғрисидаги маълумотлардан ташқари, агар экспортчи ва юкни жўнатувчи турли шахслар бўлса, эндиликда **экспортчи** тўғрисидаги маълумотларни ҳам кўрсатиш керак бўлади. Худди шундай кўшимчалар 8-«Импортчи/юкни жўнатувчи» графасига ҳам киритилди, яъни импортчи ва юкни жўнатувчи битта шахс бўлмаган тақдирда, улар ҳақидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим бўлади.

Жўнатувчининг номидан унинг таркибий тузилмаси иштирок этаётган ҳолатларда юкни жўнатувчининг СТИРдан ташқари, бўлимнинг СТИР кўрсатилади. СТИРга эга бўлмаган шахслар томонидан олиб ўтилаётган товарларни декларациялашда эса «99999999» коди кўрсатилади.

Бундан ташқари, **9-графанинг** пастки қисмида ҳам молиявий тартибга солиш учун жавобгар шахснинг СТИР кўрсатилади.

Декларацияланаётган товарни ишлаб чиқарган (тайёрлаган, етиштирган) шахснинг СТИР эндиликда 31-«Юк жойлари ва товар тавсифи». «Маркировка ва микдор – Контейнерлар рақами – Товар тавсифи» графасида ҳам кўрсатилиши керак. Агар мазкур товарнинг ишлаб чиқарувчиси номаълум ёки товар бир нечта шахс томонидан ишлаб чиқарилган (тайёрланган, етиштирилган) бўлса, жўнатувчининг СТИР ва худуд коди кўрсатилади.

Маълумот учун. СТИР кўрсатиладиган барча графаларда кўшимча равишда юридик манзил (жисмоний шахснинг доимий яшаш манзили) бўйича Ўзбекистон Республикасининг туман ва шаҳарлари таснифлагичига мувофиқ туман (шаҳар) коди кўрсатилади (Йўриқномага 15-илова).

Семинар иштирокчиларининг фикрларига қўра, БЮДни тўлдиришдаги инкилобий соддалаштиришлардан кейин юқоридаги графаларга ўзгаришлар киритилиши – ортга қўйилган кадам бўлди. Бунда Давлат статистика қўмитасининг идоравий манфаатдорлиги сезилиб турибди, статистика ҳисоботларини тайёрлаш ва шакллантиришни осонлаштириш учун мазкур ўзгаришлар айнан шу идора томонидан илгари сурилган бўлса ажаб эмас.

Э.Халилов **31-графани** тўлдиришга алоҳида эътибор қаратди. Йўриқнома 5-бобининг 25-банди 26-кичик бандига кўшимча талаблар қўйилган. Эндиликда инвестиция лойиҳаси доирасида товарларни олиб кириш мақсадидан келиб чиқиб кодларни кўрсатиш керак.

Бундан ташқари, Асосий соҳалар таснифлагичига (Йўриқномага 16-илова) мувофиқ ТИФ ТНнинг тегишли товар позициялари бўйича технологик асбоб-ускуналарнинг учта рақамдан иборат коди бўлиши керак. Агар товар олиб кириладиган соҳа Таснифлагичда белгиланмаган бўлса, «000» кўрсатилади.

Шунингдек, технологик асбоб-ускуналарнинг ишлаб чиқарилган йили ҳамда уларнинг техник таснифи кўрсатилади.

Янгича маъмурий жарималар

Божхона маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан жорий йилнинг 2 февралидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгариш ва кўшимчалар (31.10.2019 йилдаги ЎРҚ-577-сон Қонуни) кучга киради.

Қайд этиш керакки, ўзгаришларнинг аксарият қисми жарима санкцияларига тааллуқлидир. Киритилган ўзгариш ва кўшимчаларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

● **227-9-модданинг** 1-қисмида «Божхона идентификациялаш воситаларини ўзгариш, йўқ қилиш, шикастлаш ёки йўқотиш» божхона назорати остида турган транспорт воситаларининг юкхонасини, юкланган товарларни қонунга хилоф равишда очиш учун ҳам жарималар билан тўлдирилди. Жариманинг миқдори оширилди: фуқаролар учун у БХМнинг **10 бараваридан 20 бараваригача** (илгари 3 баравардан 7 бараваргача эди), мансабдор шахсларга эса – 20 бараваридан 30 бараваригача миқдорда (илгари 5 баравардан 10 бараваргача бўлган). Мазкур модда иккинчи қисмининг жарима санкциялари ҳам оширилган. Фуқароларга БХМнинг **20 бараваридан 30 бараваригача**, мансабдор шахсларга эса **30 бараваридан 50 бараваригача** миқдорда жарима солинади.

Ҳозирча амалда бўлган нормада эса улар тегишли равишда БХМнинг 7 бараваридан 10 бараваригача ва 10 бараваридан 20 бараваригача миқдорда таъдилади.

● **227-10-«Товарлар ва транспорт воситаларини декларациялаш тартибини бузиш» моддаси мазкур ҳуқуқбузарликни** маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида **такроран содир этганлик учун жарима билан тўлдирилди**. Бундай ҳуқуқбузарлик фуқароларга БХМнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда **жарима солишга** сабаб бўлади.

● **227-19-«Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтишда иқтисодий снётат чоралари ва бошқа чекловларни қўлланиш тартибига риоя қилмаслик» моддасининг** янги тахрирдаги 1-қисмига мувофиқ, агар

жиноят аломатлари бўлмаса, мазкур моддада назарда белгиланган жарималар қўлланилмайди. 2-қисмида эса мансабдор шахсларга **товарлар мушодара қилиниши билан** жарима кўрилишидаги жазо чораси назарда тутилади. Худди шундай ўзгаришлар 227-22-«Товарларни декларациялаш ёки нотўғри декларациялаш» моддасининг биринчи қисмига ҳам киритилди.

Божхона брокерлари 227-22-моддага киритилган тузатишларни ўта оғриқли қабул қилдилар. МЖТКга ўзгаришлар лойиҳаси муҳокамаси чоғида ББУ техник хатолар учун жарима санкцияларини қўллашнинг бекор қилишга доир тақлифни киритган эди. Бу тақлифлар ЎзЛиДеП томонидан қўллаб-қувватланган эди. Афсуски, МЖТКда улар ўз аксини топмади.

Бундан ташқари, ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этган тадбиркорлик субъектининг мансабдор шахслари ёки ходимлари ёхуд тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ҳуқуқбузарлик аниқланган пайдан эътиборан 30 кунлик муддатда йўл қўйилган бузилишларни ихтиёрий равишда бартараф этган ва (ёки) етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, бундан фуқароларнинг ҳаёти ва (ёки) соғлиғига зарар етказилган ҳоллар мустасно, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни юритишни бошлаш мумкин эмас, бошланган иш эса тугатилиши лозим (МЖТКнинг 271-моддаси 11-банди). Эндиликда ушбу норма қуйидаги товарлар ва транспорт воситаларини тасарруф этишга ҳам тааллуқлидир:

● божхона расмийлаштируви тугалланмаган (МЖТКнинг 227-8-моддаси 5-қисми);

● муайян божхона режими талабларига жавоб бермайдиган ушбу божхона режимига жойлаштирилган (МЖТКнинг 227-18-моддаси 3-қисми).

Божхона тўловлари ва имтиёзлари

● Экологик хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар соғлиғини ва атроф-муҳитни фидиракли транспорт воситалари, ўзинорар машиналар ва уларнинг тиркачалари ўз истеъмол хусусиятларини йўқотганидан кейин ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг зарарли таъсирини химоя қилиш учун **утилизация йиғимини ундириш** назарда тутилмоқда (14.11.2019 йилдаги ЎРҚ-584-сон Қонуннинг 1, 7-моддалари, 16.02.2020 йилдан кучга киради).

Кўрсатилган транспорт воситаларини «Эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига жойлаштиришда мазкур йиғимни ундирадиган давлат органларидан бири Давлат божхона қўмитаси ҳисобланади («Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонуннинг 23-моддаси).

Янги божхона йиғимининг миқдорлари, утилизация йиғими тўланадиган транспорт воситалари турлари ва тонфалари, шунингдек уни ундириш, қайтариш ва тасарруф этиш қоидалари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

● Президентнинг «Осиё тараққиёт банки иштирокидаги «Чорвачилик соҳасида қўшилган қиймат зanjирини яратишни ривожлантириш» лойиҳасини амалга оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (27.11.2019 йилдаги ПҚ-4538-сон) билан лойиҳани амалга ошириш доирасида ОТБ қарзи ҳисобидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) ва транспорт воситалари божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари), қўшилган қиймат солиғидан, давлат мақсадли жағғармаларига мажбурий тўловлардан озод этилди.

Имтиёзларнинг амал қилиши лойиҳа доирасида қайта молиялаштирилган маблағлар ҳисобидан



жисмоний ва юридик шахслар томонидан харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)га ҳам жорий этилади.

• Эндиликда уй паррандалари, шунингдек чўчка ва парранда ёғлари экспорт қилинганда Президент ёки Хукуматнинг тегишли қарорларини олиш талаб қилинмайди (22.11.2019 йилдаги ПҚ-5881-сон Фармон).

Техник тўсиқларни пасайтириш учун «Ягона дарча»

2020 йилнинг 1 февралдан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар «Ягона дарча» божхона ахборот тизими орқали расмийлаштириладиган тартиб белгиланмоқда (20.11.2019 йилдаги ПҚ-4525-сон қарор). Бунда ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари (ААТ) унга интеграция қилинади.

Фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун ундириладиган тўловлар миқдори ваколатли органнинг мазкур ҳужжатни бериш учун қилган харажатлари доирасида Молия вазирлиги томонидан қилишган ҳолда белгиланади (ПҚ-4525-сон қарорнинг 3-банди «а» кичик банди).

2020 йилнинг 1 январидан мева-сабзавот ва тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириш талаблари бекор қилинди (ПҚ-4525-сон қарорнинг 4-банди).

«Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва қорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўздавқарантин» инспекциясига манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалликда 2020 йил 1 февралга қадар ваколатли органларнинг ААТ ва «Ягона дарча» платформасида хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимларини жорий этиш топширилди. Бу танлаб олиш асосида фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария, экологик назорат ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш, шунингдек шартномаларни оферта шаклига ўтказган ҳолда ушбу хизматлар учун тўловларни электрон тарзда амалга ошириш имконини яратди (ПҚ-4525-сон қарорнинг 9-банди).

Транспорт вазирлиги, ДБК, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ва Адлия вазирлиги 1 апрелга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргалликда ЎЗРнинг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан катта ҳажмли ва оғир вазили юкларнинг ўтиши учун рухсатномани расмийлаштириш жараёни ва тўловларни амалга оширишни электрон шаклга ўтказиш ишларини якунлайди (ПҚ-4525-сон қарорнинг 10-банди).

Божхона қўмитаси жавоб беради

Уюшма ББУ аъзолари ҳамда ТИФ иштирокчиларини қизиқтираётган муаммоларни шерикчилик форматада ҳал этиш учун ДБК билан узвий ҳамкорликда иш

олиб бормоқда. Сўнгги вақтларда хавф-хатарларни бошқариш тизимини (ХБТ) жорий этиш масаласи айниқса долзарб бўлиб турибди. Кўпинча божхона постларининг ходимлари божхона қийматини текширишга йўналтирилган ХБТ топшириқларини тақиқловчи деб тушунадилар ва маълум қилинган қийматни қабул қилиш ўрнига уни аниқлашнинг усулини ўзгартиришни талаб қиладилар.

ББУ божхона идорасига мазкур масала бўйича хат юборган эди, у ердан хавф-хатарларнинг профиллари билан ишлаш тартиби тўғрисида батафсил жавоб олди. ББУ раисининг ўринбосари семинар иштирокчиларини ушбу жавоб хатининг мазмуни билан таништириб ўтди. ДБК вакиллари – Божхона маъмуриятчилигининг илғор ва инновацион усулларини жорий этиш бошқармаси бошлигининг ўринбосари Фарход Олимжонов ҳамда божхона тўловлари бошқармасининг бош инспектори Азамат Иброҳимов мазкур масала бўйича тушунтиришлар беришди.

1. ХБТ томонидан бериладиган хабарлар ходимнинг расмийлаштириш учун тақдим этилган товарни қонун ҳужжатларига мувофиқ божхона қийматини белгилаш мақсадида чуқурроқ ўрганишга чакиради.

2. Товарларнинг божхона қийматини текшириш учун жўнатиладиган хавф-хатарларнинг белгиланган профиллари инспекторларга аниқланган хавф-хатарлар ва уларни минималлаштиришга доир зарур чоралар бўйича хабарларни етказди. Яъни тизим божхона расмийлаштирувини тақиқламайди, балки ходимга божхона назоратини давом эттиришига таклиф этади.

3. Мазкур талабга мувофиқ, агар 1-усулнинг барча элементлари БКДда акс этган, Рўйхатда (Йўриқномага 3-қисм, АВ томонидан 14.03.2017 йилда 2868-сон билан рўйхатдан ўтказилган) кўрсатилган тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлсагина, божхона қиймати шу усул бўйича аниқланиши мумкин.

4. БКнинг 319-моддасида белгиланишича, божхона органи товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун танланган усулга қуйидаги ҳолларда рози бўлмасликка ва декларантга ёки божхона брокерига божхона қийматини аниқлашнинг бошқа усулидан фойдаланиб, божхона қийматини аниқлашни таклиф этишга ҳақли:

- декларант ёки божхона брокери томонидан маълум қилинган товарнинг божхона қиймати тўғри аниқланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ва маълумотлар мавжуд бўлмаса;

- товарнинг божхона қийматини аниқлаш учун божхона органи томонидан сўралган зарур қўшимча ҳужжатлар декларант ёки божхона брокери томонидан тақдим этилмаган бўлса;

- декларант ёки божхона брокери томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотлар нотўғри эканлигининг белгилари аниқланса.

Божхона қийматини белгилаш божхона ишида мураккаб масалалардан ҳисобланади, шунинг учун Давлат божхона қўмитаси бу борада муайян чоралар ва харажатларни ишлаб чиқиш мақсадида ТИФ субъектлари, божхона брокерлари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар, ДБК ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг мутасадди ходимлари иштирокида ўтказиладиган мазкур мавзудаги давра суҳбатларида иштирок этишга тайёр эканлигини билдирди.

✓ ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ БОЖХОНАГА ДОИР ҚОИДАЛАРИ

Маълумки, янги йилдан янги тахрирдаги Солиқ кодекси амалга киритилди. Бу Кодекс кўпчилик қатори, табиийки, божхона хизмати ходимларининг ҳам диққат марказида турибди.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси, Пайариқ ва Оқдара тумани ҳокимликлари ҳамкорлигида янги тахрирдаги Солиқ кодексининг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган тадбир ўтказилди. Тадбирда вилоят божхона бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Ш.Салихов ТИФ катнашчиларига солиққа оид қонунчиликка мувофиқ божхона органлари фаолияти билан боғлиқ бир қатор муносабатларга ҳам ўзгартириш киритилганлиги тўғрисида тушунча берди.



Бу, хусусан, қуйидаги ўзгаришлардир:

- трансферт нархни белгилашда солиқ назоратини ўтказишда (шу жумладан таҳлил этиладиган битимнинг ва таққосланадиган битимларнинг тижорат ва молиявий шартларини таққослаш чоғида) ДСҚ Давлат божхона қўмитаси томонидан эълон қилинадиган ёки сўровга кўра тақдим этиладиган Ўзбекистон ташқи савдосининг божхона статистикасидан фойдаланади;

- Ўзбекистон Республикасининг божхона чегараси орқали товарларни олиб ўтувчи шахслар Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ва товарларни (хизматларни) реализация қилувчи қўшилган қиймат солиғини тўловчилар, деб эътироф этилади;

- божсиз савдо божхона тартиб-таомилига жойлаштирилган товарларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солишдан озод этилади;

- жисмоний шахслар томонидан товарларни божсиз олиб киришининг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида тасдиқланган нормалари доирасида олиб кириладиган товарлар солиқ солишдан озод этилади.

Шубҳасизки, бу ўзгаришлар қонунчиликни соддалаштириш, зиддият ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш билан бир қаторда, тадбиркорлар учун қўшимча қулайликлар яратди.

Тадбирда сўзга чиққан вилоят Давлат солиқ бошқармаси бошлиги ўринбосари Д.Нурмухамедов янги Солиқ кодексидан инсофли солиқ тўловчиларнинг манфаатларини ҳимояловчи юздан ортик нормалар борлигини ва бу ўзгаришлар солиқ тизимини янада ривожлантиришга, бюджетга тушумларнинг ихтиёрий тўланишига ҳамда тадбиркорларнинг ўз маблағини эркин тасарруф этишига замин яратишини маълум қилди.

Тадбирда Самарқанд вилояти ҳокимининг иқтисодийёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Ураков катнашди.

Самарқанд вилояти божхона бошқармаси ахборот хизмати.

РЕКЛАМА

«КОРХОНА ЮРИСТИ»

электрон маълумотнома тизимини ЎЗБЕК ТИЛИДА тақдим этамиз
Тошкент ш. Миробод тумани, Талдимаржон кўчаси 1/1. Тел. (71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



✓ ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

✓ ҚАРОР ВА ИЖРО

ТОВАРЛАРНИ ИМПОРТ ҚИЛИШДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ОСОНЛАШДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2019 йилдаги 1057-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона тартиботларини такомиллаштириш чоралари белгиланди.

Хужжат автомобиль, темир йўл ва ҳаво транспорти орқали Ўзбекистоннинг божхона ҳудудига олиб кириладиган товарлар ва транспорт воситаларини расмийлаштиришда божхона назорати самарадорлигини таъминлаш, божхона тартиботларини соддалаштириш, шунингдек, вақтни ҳамда молиявий харажатларни қисқартириш мақсадида қабул қилинган.

Хусусан, мувофиқлик сертификати, санитария-эпидемиология хулосаси, экологик сертификат мавжуд бўлиши талаб этиладиган товарларни «Ягона ойна» божхона ахборот тизимида уларнинг берилиши тасдиқланган тақдирда, Ўзбекистон ҳудудига импорт қилишга рухсат берилади.



Бундан ташқари, аввал дастлабки божхона декларацияси тақдим этилган товарларни эркин муомалага чиқариш БЮД рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб 3 соат ичида амалга оширилади. Шу ўринда хавфларни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизими томонидан хавф аниқланган ҳолатлар бундан мустасно.

Ташувчилар ёхуд товар эгалари ёки товарга нисбатан ваколатларга эга бўлган шахслар темир йўл транспортида ташиладиган товарлар ва транспорт воситалари, шу жумладан йўловчилар ва уларнинг багажлари тўғрисида дастлабки электрон тарзда олдиндан ахборотни темир йўл транспортининг Ўзбекистон божхона чегарасига етиб келишидан олдин божхона органларининг ахборот тизимига бутунжаҳон Интернет тармоғи орқали юбориши вақти 2 соатдан 1 соатга қисқарди.

Давлат божхона кўмитасига миллий ва хорижий ташувчиларга ёки бошқа манфаатдор шахсларга 3 ой муддатда Ўзбекистон божхона ҳудудига олиб киришга мўлжалланган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки электрон маълумотларни мустақил равишда тақдим этиш имкониятини яратиш топширилди.

Қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 2.04.2020 йилдан кучга киради.

Анвар ИРКАХОДЖАЕВ, «Norma» МЧЖ эксперти.



РОССИЯ ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ БОЗОР ЯРАТМОҚДА

Бугунги кунда республикада етиштирилаётган 80 турдан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари дунёнинг 66 мамлакатига экспорт қилинмоқда. 2010 йилда экспортнинг 11,3 фоизи пахта толаси ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2018 йилга келиб ушбу кўрсаткич 1,6 фоизгача камайди. Ҳисоб-китобларга кўра, 1 гектар сувли майдонда етиштирилган пахта хомашёсига нисбатан узумдан 7 баравар, гилосдан 6 баравар, ёнғоқдан 5 баравар кўп даромад олиш имконияти мавжуд.

Президентимизнинг 2019 йил 11 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори соҳада юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, экспорт ҳажминини ошириш, фойдаланишдан чиққан ва лалми ерларни ўзлаштириш, пахта, ғалладан қисқартирилаётган майдонларга экспортбоп қишлоқ хўжалиги экинлари экишни кўпайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур хужжатга мувофиқ мева-сабзавот ва узум маҳсулотлари етиштирувчиларни (фермер ва деҳқон хўжаликлари, томорқа ер эгалари) мева-сабзавот кластерларига бириктириш улар билан қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилотлар ҳамда туманлар ҳокимликлари ўртасида ихтиёрийлик асосида тузиладиган мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш шартномалари орқали амалга оширилади. Бу орқали юртимизда мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти ҳажминини кескин кўпайтиришга эришилади.

Ташкилдош жоизки, бугун Ўзбекистондаги истикболли ислохотларни кузатаётган хориж давлатлари Ўзбекистон экспортёрларига қатор имтиёзлар бермоқда.

Масалан, 2020 йилнинг 4 январь куни www.pravo.gov.ru расмий ҳуқуқий ахборот интернет порталига Россия Федерацияси Ҳукуматининг 2019 йил 31 декабрдаги қарори жойлаштирилган. Унда асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб Ўз-

бекистондан Россия ҳудудига олиб кириладиган мева-сабзавот маҳсулотлари рўйхати кенгайтирилди. Ўзбекистоннинг асосий ҳўл мева маҳсулотлари ҳисобланадиган тарвуз, қовун, узум, анжир, олма, нок, беҳи, ўрик, гилос, олча, шафтоли, олхўри ва лимонга нисбатан аввал амал қилган 20 фоизли ҚҚС ўрнига 10 фоизли ставка жорий этилди.

Ушбу имтиёз Ўзбекистон Россияга экспорт қилинадиган қуруқ меваларга нисбатан жорий этилмайди. Бу тоифа бўйича 20 фоизли ҚҚС сақланиб қолади.

Россия қонунчилигига киритилган ушбу ўзгаришлар туфайли мамлакатимиздан Россия бозорига мева-сабзавот маҳсулотлар экспорти ҳажми сезиларли даражада ошади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрдаги «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2019 йилда жами 1,175 млн тонна мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш топшириғи берилган эди. Маълумотларга кўра, ўтган йили четга Ўзбекистондан жами 1 млн 401 минг тонна ёки қиймати 1 млрд 202 млн долларга тенг бўлган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди. Президентимиз томонидан 2023 йилга бориб Ўзбекистондан четга мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилиш ҳажминини 5 млрд долларга етказиш топшириғи берилган. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғида кластерлар тизimini ривожлантириш мамлакатимиз экспорт салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

Хусан ГИЁСОВ,

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши етакчи мутахассиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.

Ў.А.

<p>СОЛИК ВА БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ</p> <p>Молиявий-иқтисодий, ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p>ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040. Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p>	<p>Бош муҳаррир Фарҳод Собирович ҚУРБОНБОЕВ</p>	<p>Нашр учун масъул – бош муҳаррир ўринбосари, масъул котиб Нодир Носирович АЛИМОВ</p> <p>Саҳифаловчи Наталья БАРАНОВА</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100105, Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кў., 1/1 ТЕЛЕФОН/ФАКС Тахририят: (71) 200-00-90; E-mail: sbx@norma.uz, gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p> <p>Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоғ бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ, Баҳоси келишилган нархда. Буюртма г-115. Адади 730. Газета 2020 йил 20 январь соат 15.30 да топширилди.</p>	<p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-30; «Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90; рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p>
--	--	--	---	---